Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 153 (13.415).
9 июль 1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БУХАРЕСТ, 8 июль. (ТАСС). Варшава Шартномасига қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида иштирок қилган Совет делегацияси бугун Руминия пойтахтидан ўз Ватанига жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. В. Русаковлар бор.

«Бэняса» аэропортида делегацияни Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Н. Чаушеску Руминия Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Киву Стойка, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси И. Г. Маурер, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети доимий президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари П. Никулеску-Мизил ва бошқалар узатиб қолдилар.

* * *

Совет делегацияси шу куниёқ ўз Ватанига қайтиб келди.

Делегацияни Внуново аэродромида А. П. Кириленко, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев ва бошқалар кутиб олдилар.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

МУРОСАСОЗЛИК

Бутун республикани зарбдор фронтга чорлаб, ўзлари қилган мурожаатга яраша ишлаётган лафзи ҳалол хоразмликлар ғўза парваришини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Ҳазорасп районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов раислик қилаётган Нариманов номли, шунингдек «Победа» ва «Ленинград» колхозларида ғўза парвариши кун сайин кучайтирилмоқда.

Бироқ шу райондаги қатор хўжаликларда ғўзанинг ривожланиши жиддий равишда кечикаётир.

«Ўзбекистон» колхозида 1930 гектар майдоннинг ярмига яқинидаги экин бир марта ҳам сугорилмаган. Ғўзалар бегона ўт орасида. Айрим далаларда сугоришдан кейин тупроқ ўз вақтида юмшатилмай қотиб қолган, ғўза яйраб ўса олмаётир. Рўзим Хўжаев бошлиқ бригадада бегона ўт ғўзанинг озиғига шерик бўлибгина қолмай, уни ёруғликдан ҳам маҳрум этяпти. Бригадада минерал ўғит тупроқнинг бетига сочиб кетилаётир. Правление вакили, агроном-энтсмолог О. Худойберганов агротехника қоидасининг бузилишига бамайлихотир караб келмоқда. С. Раҳимов, Р. Полвонов бошлиқ бригадаларда сугоришдан сўнг ғўза культивация қилинмаган.

Колхозда меҳнат интизоми қўпол равишда бузилмоқда, ишга яроқли колхозчиларнинг анча қисми дала ишларида қатнашмаётир. Далада ишлаётганларга қулай маданий-маиший шароит яратилмаган.

Правление раиси Жуманиёз Қурбонов кенгаш ва мажлисларда дабдабали ваъдалар бериб, амалда сўзининг субути бўлмаётир. У райком бюросида, ўзаро текшириш якунига бағишланган йиғилишда бегона ўтни 3-4 кун ичида йўқотиш тўғрисида сўз берди. Лекин ғўза ҳамон бегона ўт орасида. Правление аъзолари ўзларига бириктирилган участка учун жавобгарлик ҳиссини йўқотиб қўйганлар. Агроном Ш. Давлатов, инженер И. Аҳмедов ўртоқларнинг бепарволигидан дала ишлари сифати бузилмоқда, культиваторлар тўла қувватда ишлатилмаётир.

Районнинг «Ленинизм», «Тошкент», Фрунзе номли колхозларида ҳам бегона ўт босган ғўза кўп.

Шуниси ажабланарлики, райком бюроси мажлисларида йиғилишларда қаттиқ гап-сўзлар бўлади, тадбирлар белгиланади, аҳволни тузатиш учун муҳлатлар берилади. Ваъдабозликка одатланган ва танқидга кўникиб колган айрим раҳбарларнинг ҳафсаласизлиги, масъулиятсизлиги оқибатида аҳвол ҳамон ташвишлилигича қолмоқда. Райком секретари М. Ражабов, район ижроия комитети раиси А. Иброҳимов, қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи И. Сатторов ўртоқлар қачонгача ваъдабозлар билан муросасозлик қилишар экан?

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН!

Шу кунларда яна бир янги ташаббус республикамиз узра қанот қоқмоқда. Машҳур механизатор, пахтачилик ишлаб чиқаришининг ажойиб новатори, мардлик ва жасорат мадҳияларининг қаҳрамони коммунист Мамажон Дадажоновнинг азиз пахтакорларга олтин далаларнинг дарғалари — механизаторларга қарата ёзган хати газеталарда эълон қилинди, радио ва телевидение орқали эшиттирилди. Оташин ватанпарварлик туйғуси билан сугорилган бу ҳат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Хатда кўтарилган масала ниҳоятда муҳим ва катта аҳамиятга эгадир. Хатда илгари сурилган ва рўй-рост баён қилинган фикрлар, танқидий мулоҳазалар, пахтакорлар ва механизаторлар муҳокамасига ҳавола этилган таклиф, тавсия ва маслаҳатлар — Мамажон Дадажонов мисолида ҳар бир совет кишисининг умумдавлат, умумхалқ манфаатлари тўғрисида чин ватанпарварга хос меҳрибонлик билан қайғураётганлигининг жуда равшан намунасидир. Бу айни пайтда бизнинг кишиларимиз қанчалик ўсиб, камол топаётганлигини, партиямиз чизиб берган коммунистик қурилиш режаларини, КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун бутун куч-қувватини сарфлаётганини, уларда чуқур фикрлаш қуввати, ижодий қобилият ва талант барқ уриб юксалаётганлигини кўрсатади. Худди шу нарса ижодий изланишларни, фан-практикага асосланган илмий кидиришларни, ташаббус ва маҳоратни кенг ривожлантириш учун катта йўл очиб бермоқда.

Мамажон Дадажонов ўзининг «Механизатор, жасорат кўрсат» деган хатида фан ва илғор тажрибага асосланган прогрессив агротехника бекиёс ўсган, партия ва ҳукуматимиз пахтакорга ҳамма зарур нарсалар билан ёрдам бераётган, қишлоқ хўжалигида комплекс механизация кенг жорий этилаётган бир пайтда пахтачилигида энг муҳим соҳа — теримни механизациялаш анча кейинда қолаётганлигини эндиликда тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида 20 мингдан кўпроқ пахта териш агрегати бор. Агар бу кудратли машиналар қувватидан тадбиркорлик ва моҳирлик билан фойдаланилса, ҳар бир механик-ҳайдовчи ўз мавсум нормасини адо этса машина билан пахта териш юзасидан белгиланган топшириқни ҳар йили ошиғи билан бажаришимиз мумкин. Лекин машиналардан фойдаланишда ҳар бир хўжалиқда, механизаторлар ўртасида жуда катта тафовут борлигини инкор этиш керак. Мавсумда бир агрегат билан 200 тоннадан ошириб пахта тераётган пешқадамлар сояси да жуда кам унум билан ишлаётган кишилар борлигини, бундай кишилар ўзларининг малака ва ихтисос жиҳатдан зарур тайёргарликка, тажрибага эга бўлмаганликлари сабабли мавсум нормасини ҳатто ярим миқдорда ҳам бажармаётганлигини қандай баҳолаш керак? Мамажон Дадажонов бу саволни шундай ечиб беради: «Бу ўринда машинанинг икки хил қўлда — бири уста ва эпчил, иккинчиси эса нўноқ, малакасиз қўлда бўлишидадир. Машина пахтани яхши ололмайди, чала теради, тўкади, деган гаплар ўткинчи, қолоқ фикрлардир».

Дарҳақиқат, машина йўлига ғов бўладиган тўғоноқлар аллақачонлар йўлдан олиб ташланди. Машинага меҳр-муҳаббат бениҳоя ошди. Лекин машиналарнинг яхши ишлаши учун шароит туғдирмаётганлар ҳақида нима дейиш мумкин? Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари теримни механизациялашга бепарво қарайдилар, техника ремонтини кейинга сурадилар, ғўзани машинабоп қилиб ўстирмайдилар, механизатор кадрлар тайёрлашга юзаки қарайдилар. Эндиликда бундай нишлар ораларимизда бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, колхоз, совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига, радио, телевидение ҳайда матбуот нашрлари зиммасига Мамажон Дадажоновнинг ташаббусини кенг пропаганда қилиш ва жорий этиш вазифасини топширди. Хатни муҳокама қилишга бағишланган колхозчилар ва совхоз ишчиларининг йиғилишлари жонли, ишчанлик вазиятида ўтказилиши лозим. Бу йиғилишларда ҳар бир пахтакор ва механизаторнинг хатда келтирилган маслаҳатлар юзасидан амалий таклифлари атрофлича ўрганилиши зарур. Терим агрегатларини сақлаш, ремонт қилиш, ундан унумли фойдаланиш, механизаторлик курсларига кишиларни тўғри танлаб, бу курсларда ўқиш сифатини яхшилаш, мавжуд кадрларнинг малакасини, тажрибасини ошириш, ўсимликни машинабоп қилиб ўстириш, ғўза баргини вақтида тўкиш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олиниши даркор. Йиғилишларни шунчаки расмиятчилик учун ўтказиш сингари айрим жойларда юз бериб турадиган ҳолларга, умумий тушунча, қуруқ гап юритиш сингари бефойда ваъзхонликларга мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим.

Матбуот, радио ва телевидение илғор механизаторнинг ташаббусини пропаганда қилишнинг энг изчил, энг жанговар, энг оммавий минбаридир. Модомики, пахта теримини механизациялаш, энг асосий ва бош вазифалардан бири бўлиб турган экан, матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение эшиттиришларида бу масала антуал тема бўлиши лозим. Илғор механизаторларнинг тажрибасини ёрқин мисолларда, конкрет фактлар асосида жозибали ва қизиқарли қилиб ёритиш — матбуот ходимларининг муҳим вазифасидир. Шу билан бирга газеталарда, «Зангори экран»ларда ва радиода илғорларимизнинг ўзларига сўз бериш, уларнинг ўз ишлари ҳақидаги ҳикояларини эшитиш мароқлидир.

Совет пахтачилиги янги марраларга кўтарилмоқда. Унинг истиқболи катта ва порлоқдир. Теримни машиналаштириш йўлидаги янги интилиш ва ташаббуслар бу соҳада кузатилган улуғ мақсадга етишимизда далолат бериб турибди. Бизнинг жасоратли, мард пахтакорларимиз ўзларининг яратувчилик ишлари билан партиямиз XXIII съезди қарорларини бажаришда янги зафарларни қучаверадилар.



Мирзачўл ерларида ташкил этилган Г. Титов номли 6- совхознинг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Турсунбой Фармонов бошлиқ бригадаси далаларида ғўзалар ёппасига гуллаб, кўсаклай бошлади. Бригада пахтакорлари ғўзани икки томонлама культивация қилдилар. Далаларда бегона ўт йўқотилди. Суратда: совхоз партия ташкилотининг секретари Карим Эшқулов ва Турсунбой Фармоновлар.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Бу йил пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса ҳосил йиғим-теримини машиналаштиришда олға томон яна бир янги қадам қўяйлик ❋ **Ғўзани машина теримига мослаб ўстиринг** ❋ *Экин сифатли парвариш қилинган пайкалларда машина яхши ва унумли ишлайди* ❋ Терим агрегатларини шайлашга киришинг ❋ **Кўпроқ малакали механик-ҳайдовчилар тайёрланг.**

ЎЗБЕКИСТОН КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Республика матлубот кооперациясининг вакиллари қишлоқларда савдо-сотиқни янада яхшилаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқ учун 8 июлда Тошкентга — ўзларининг XII съездига келишди. «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси Н. И. Супотницкий ҳисобот доклади қилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ аҳолисига 910 миллион сўмлик еки бундан аввалги тўрт йилликдагига нисбатан 48,4 процент кўп мол сотилди. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ интеллигенцияси юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ сотиб ола бошладилар. Шу давр ичида қишлоқ аҳолиси радиоприёмник ва телевизорларни шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан 86 процент, велосипед ва мотоцикларни 79 процент, рўзғор холодильникларини 2,5 баравар, кир ювиш машиналарини 3,2 баравар кўпроқ сотиб олди.

Аммо шундай бўлса ҳам товар оборотининг ўсиши бир меъёрда бормайди. Ўтган йили товар обороти плани умуман ошириб бажарилгани ҳолда, магазинлар ва дўконларнинг қарийб учдан бир қисми бу планни бажармади.

Республика матлубот кооперацияси ҳозирги вақтда қишлоқ аҳолисининг саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун барча имкониятларга эгадир. Кейинги тўрт йил ичида Ўзбекистон қишлоқларида янгидан 1.086 та янги магазин очилди. Ҳозирги кунда республика кооператив ташкилотларида 4.000 дан ортиқ ихтисослаштирилган магазин, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 900 га яқин магазин ва мол нусхаларини кўрсатиб очиқ сотадиган 12 мингдан ортиқ магазин бор. Янги беш йилликда «Ўзбекбирлашув»нинг савдо шохобчалари қаторига яна 2.710 магазин қўшилади. Савдо-сотиқни ташкил этишга масъулиятсиздик билан қараш каби ярамас ҳолларга қатъиян чек қўйиш, аҳолининг талабларини қондиришга бепарво қараётган ходимларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак. Қишлоқларда савдо-сотиқнинг прогрессив формаларини жорий қилишга, савдо ташкилотларининг саноат корхоналари билан бевосита алоқаларини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Съездда сўзга чиққан ўртоқлар «Ўзбекбирлашув» правлениесининг ишини қаттиқ танқид қилдилар. Бир қанча область ва районларда савдо-сотиқни ташкил этиш, товар оборотини планлаштириш ҳали ҳам паст даражада олиб борилмоқда, савдо шохобчаларини ривожлантириш масалалари суст ҳал этилмоқда, айрим жойларда моллар етишмаётгани ҳолда нормативдан ортиқ кўп мол запаслари вужудга келтирилмоқда.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

Съезднинг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. М. Мусахоновлар ҳам қатнашдилар. Съезд «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади. (ЎзТАГ).



Суратда: съезд қатнашчиларидан бир группаси: (чапдан) М. Муродова Хоразм область Урганч матлубот жамиятига қарашли магазин мудири, Х. Қўқонбоев — Фарғона область Водил районидаги 18-магазин мудири, С. Жалилова — Фарғона область Ўзбекистон район Авгон матлубот жамиятига қарашли қишлоқ магазинининг мудири, Ж. Бузрукова — Фарғона область Ўзбекистон район матлубот союзи правлениесининг раиси, Р. Юсупов — Хоразм область Гурлан район матлубот жамиятига қарашли магазин мудири.

И. Глауберзон фотоси.

ХИМИКЛАР ЮТУҒИ

Ўзбекистон химиклари беш йиллиннинг биринчи йили топшириқларидан ташқари 50 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Бу социалистик мажбурият олти ой ичида муддатидан олдин бажарилди. Йиллик мажбуриятга қўшимча суратда пландан ташқари ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар ортилган вагонлар қишлоқларга жўнатилди.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга айниқса катта ҳисса қўшди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш ва энг янги машина-ускуналарни ўзлаштириш учун олиб борилган кураш натижасида ана шу муваффақиятга эришилди.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

декларация

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасининг қатнашчилари — Сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарестдаги кенгашида вакиллари қатнашган давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси қуйидаги Декларацияни қабул қилдилар:

I.

Европада мустаҳкам тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш Европа қитъасидаги ҳамма халқларнинг қизғин интилишларига ва ялпи тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган ва қўшаётган Европа халқлари Ер куррасининг шу қисмида ҳар бир халқнинг, ҳар бир мамлакатнинг иродасига ва қарорига мувофиқ моддий ва маънавий ресурсларидан тўла равишда фойдаланишга имкон берадиган осойишталик ва халқаро ҳамкиҳатлик иқлими вужудга келтиришлари мумкин ва лозим.

Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати бутун дунёдаги ишларнинг аҳволига катта таъсир ўтказади. Шуни унутмаслик керакки, ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган ва жуда катта вайронгарчиликларга олиб келган ҳар иккала жаҳон уруши ҳам Европа қитъасида бошланган.

Европа хавфсизлиги проблемаси бугун, ё кеча пайдо бўлган проблема эмас. Бундан ярим аср муқаддам бу проблема биринчи жаҳон уруши бошланиши билан кун тартибига қўйилган эди. Орадан йигирма йил ўтганидан кейин, яъни Европа ва жаҳон давлатларни бирма-бир иксон қилган йиртқич фашизм билан юзма-юз келиб колганида, бу проблеманинг бутун ҳаётий аҳамияти халқларга янада аён бўлиб қолди.

Халқлар жанг майдонига киришга мажбур бўлиб колганларидан кейин улар бу уруш жаҳон урушларининг охиргиси бўлади, деган умид билан руҳланган эдилар.

Европа хавфсизлигини таъминлаш мақсади 1945 йилда яқинлашиб қолгандек бўлиб кўринди; бу мақсадга эришиш йўллари очиқдай бўлиб туюлди. Герман фашизми мағлубиятга учратилган ва ўз ҳукмини қутмоқда эди. Адолат ғалаба тантанасини қилмоқда эди. Гитлерчилар Германияси билан мисли бўлмаган шафқатсиз урушни эндигина тамомлаган халқлар милитаризм ва агрессия кучлари ҳозирги ва келажак авлодларнинг тинч турмушини ва бунёдкорлик меҳнатини яна буза олмайдиган бўлиши учун ҳамма чораларни кўришни талаб қилдилар.

Гитлеризмга қарши коалиция давлатларининг иттифоқчилик муносабатларини якунлаган Потсдам битими тинчликни барқарор қилишнинг келажакка мўлжалланган кенг программасини эълон қилди. Тарихда биринчи бўлиб Европа ўз хавфсизлиги проблемасини ҳал қилишнинг реал имкониятини олди. Герман милитаризми ва нацизмининг тикланишига йўл қўймаслик, Германия ўзининг қўшинларига ёки бутун дунёда тинчликнинг сақланишига бундан буён асло таҳдид қила олмаслигини таъминлаш Европадаги хавфсизликнинг асосий шарти эканлигини шу тарика ҳамма эътироф қилди. Бу асосий шартни бажармоқ учун Европа давлатлари ўртасида, Европада ва бутун дунёда тинчлик сақланиб колишидан манфаатдор бўлган барча давлатлар ўртасида ҳалол ва дўстона ҳамкорлик бўлиши зарурлигига ҳам ҳеч ким эътироз билдирмади.

Лекин воқеалар бу орзуларни оқламади. Европа халқларининг умидлари рўёбга чиқмай қолди, уларнинг уруш таҳликасидан ҳоли бўлган ҳаётга интилиши шу дамгача амалга ошмади. Бунинг учун эса гитлеризмга қарши буюк коалицияда тобланган ҳамкорликдан герман агрессорлари устидан ғалаба қозонилиши биланоқ дарров воз кечган, Европада тинчликни бунёд қилишнинг муштарак йўлидан бормаган ва ҳаттоки, ўзлари агрессив сиёсат ўтказишга киришган давлатлар жавобгардирлар.

Эндиликда иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин йигирма йил ўтгач Европада мазкур урушнинг оқибатлари ҳали тугатилгани йўқ, Германия билан сулҳ шартномаси тузилгани йўқ, кескинлик ўчоқлари, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ғайри нормал вазият давом қилиб келмоқда.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан социалистик давлатлар, бундай аҳволни йўқотиш ва Европада тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкам негизларини вужудга келтириш, куч билан ёки куч қўлланиш билан таҳдид қилишдан воз кечишга ҳамда халқаро низоларни фақат тинч воситалар билан ҳал этиш зарурлигига асосланиб давлатлар ўртасидаги муносабатлар суверенитет ва миллий мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принципларига, территориал дахлсизликни ҳурматлашга негизланиши лозимлигини тақозо қилади, деб ҳисоблайдилар. Европа давлатлари Европада қуролли можаро бошланиб кетиш хавфининг олдини олмоқ ва Европанинг коллектив хавфсизлигини мустаҳкамламоқ учун самарали чоралар кўришга интилишлари лозим. Европадаги барча миллатларнинг муштарак интилишларини амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъи назар, ҳар бир катта ёки кичик давлатнинг суверен, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида муносиб ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳисса қўшувини ва бунинг учун ўз зиммасига масъулият олишини тақозо қилади.

Ушбу кенгашда қатнашган давлатларнинг фикри шуки, ҳозирги вазиятда Европанинг ҳамма халқларидан, барча тинчликсевар кучлардан Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда тағин ҳам кўпроқ қатъият ва активлик кўрсатишларини талаб қилади.

II.

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган кучлар ўсиб бораётганлиги ҳозирги халқаро аҳволни белгиловчи хусусиятлардан биридир. Социалистик давлатлар ўзларининг жуда катта иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратлари билан бирга, шунингдек халқаро ишчилар синфи ўзининг коммунистик партиялари раҳбарлигида, миллий озодлик ҳаракати, кейинги йилларда мустақилликка эришган янги давлатлар, бутун дунёнинг прогрессив ва демократик кучлари империалистларнинг агрессив сиёсатига кескин қарши чиқмоқдалар, халқлар хавфсизлигини таъминлашни қатъий талаб қилмоқдалар. Европада совуқ уруш қолдиқларини тугатиш ҳамда умумевропа ҳамкорлигини нормал ривожлантириш йўлида ғов бўлиб турган тўсиқларни тугатиш, низоли масалаларни ҳамжиҳатлик йўли билан бартараф қилиш, халқаро турмушни нормаллаштириш ва халқларни яқинлаштириш тенденцияси зўрайиб ўсмоқда ва ривожланмоқда.

Империалист реакцион доиралар бу йўлга қаршилик қилмоқдалар, агрессив мақсадларни кўзлаб кескинликни авж олдиришга, Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни заҳарлашга интилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги сиёсати, жаҳоннинг бошқа бир районида — Шарқи-Жанубий Осиёда — Вьетнам халқига қарши агрессив урушни бошлаб юборишга олиб келган ва кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги муносабатларни чатоқлаштириб, халқаро тангликлар ҳолатига олиб келган ўша сиёсатнинг ўзи Европадаги тинчликка, Европа халқларининг хавфсизлигига бевосита таҳдид қилиб турибди. Қўшма Штатлар бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқдалар, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдан иборат муқаддас ҳуқуқини бузмоқдалар, мустамлакачилик репрессияларини татбиқ этмоқдалар ва қуролли интервенция қилмоқдалар, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли мамлакатларида фитналар ташкил этмоқдалар, ҳамма жойда халқларнинг нафратига сазовор бўлган реакцион кучларни ва сотқин режимларни қувватламоқдалар.

Европада АҚШ ўтказаётган сиёсатнинг мақсадлари Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига, Европа хавфсизлиги вазифаларига бутунлай зид эканлигига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Американинг ҳукмрон доиралари Ғарбий Европани АҚШнинг глобал сиёсати қуроли бўлиб қолиши учун Ғарбий Европадаги ўз иттифоқчиларига ўз айтганларини қилдиришни истар эдилар. Шу тарика Ғарбий Европани АҚШнинг глобал сиёсатига қурол қилиб олмоқчилар, бу сиёсат эса, халқларни миллий ва социал озодликка чиқариш тарихий жараёнини тўхтатиб қўйишга, ҳаттоки орқага буриб юборишга интилишга асосланмоқда. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европадаги баъзи давлатларни ҳатто жаҳоннинг бошқа районларидаги, жумладан, Осиёдаги ҳарбий авантюраларга тортишга уринмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

Декларация

(Боши биринчи бетда).

Ғарбий Европанинг реакцион кучлари қўллаб-қувватлаётган АҚШнинг агрессив доиралари Шимолий Атлантика ҳарбий блоки ва шуларнинг ўзи вужудга келтирган ҳарбий машина ёрдамида Европадаги нифоқни тобора кўпроқ чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини авж олдиришга, халқаро кескинликни кучайтиришга, Ғарбий Европа давлатлари билан Шарқий Европа давлатлари ўртасида нормал алоқалар ўрнатилишига ва ривожлантирилишига тўсқинлик қилишга интилмоқдалар.

Европа халқлари хавфсизлигининг чинакам манфаатларига ёт бўлган мана шу мақсадлар учун деб Европада Қўшма Штатларнинг қўшинлари ҳанузгача сақланиб турибди, Ғарбий Европа мамлакатларида АҚШнинг ҳарбий базалари жойлаштирилмоқда, ядро қуроли складлари вужудга келтирилмоқда, Европа қитъасига туташган денгизларга ядро сув ости кемалари юборилмоқда, Американинг олтинчи флоти Ўрта денгизда кезиб юрибди, Европа мамлакатлари осмонида эса, ядро бомбалари ортилган самолётлар учиб юрибди.

АҚШнинг Европада урушдан кейинги йиллар мобайнида ўтказиб келаётган снёсати Европа халқларига яна шунинг учун ҳам хавфли снёсатдирки, бу снёсат Ғарбий Германиянинг милитарист ва реваншчи кучлари билан тил бириктиришга тобора кўпроқ таянмоқда. Бу кучлар АҚШни Европада тағин ҳам хатарлироқ йўл ўтказишга тўғридан-тўғри ундамоқдалар.

Бундай снёсат Америка империалистлари билан Ғарбий Германия реваншчилари ўртасида вужудга келаётган иттифоқда ўз ифодасини топмоқда.

Ғарбий Германиянинг милитарист ва реваншчи доиралари немис халқининг ўз ҳаётий манфаатлари билан ҳисоблашишни истамаётирлар, агрессив мақсадларни кўзламоқдалар, бу агрессив мақсадлар уларнинг ҳамма ишларида — мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ҳарбий изларга кўчиришда ҳам, ярим миллионли бундесвер вужудга келтирилганлигида ҳам, Германия босқинчиликларининг тарихини улуғлаётганликларида ҳам, бошқа халқларга нафрат авж олдирилаётганлигида ҳам намоён бўлмоқда. Германия Федератив Республикасининг мазкур доиралари бошқа халқларнинг ерларига яна кўз олайтирмоқдалар.

Ядро қуролини эгаллаб олиш талаби ҳозирги вақтда шу снёсатнинг диққат марказида турибди. Германия Федератив Республикасида муайян пайт келганида ўз атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган илмий-техникавий ва саноат базаларини вужудга келтириш ошкора ва махфий равишда жадаллаштирилмоқда. Германия Федератив Республикасининг ядро қуролини қўлга киритишга имконият берадиган НАТО бирлашган қуролли кучларининг вужудга келтирилишини тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб тўхтатиб туришга шу вақтгача муваффақ бўлиб келдилар. Бироқ, бу хусусдаги планлардан ҳали воз кечилгани йўқ.

Ҳамма халқларнинг туб манфаатлари НАТОнинг кўп томонлама ядро кучларини вужудга келтириш планларидан воз кечишни талаб қилади. Бироқ, НАТО аъзоси бўлган давлатлар тинчлик манфаатларига хилоф равишда ҳаракат қилиб, кўп томонлама ядро кучлари вужудга келтириш ёки Ғарбий Германиянинг ядро қуролини эгаллашига бирор формада имконият очиб бериш йўлига тушиб олсалар, у ҳолда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бу ҳолатнинг Европадаги тинчлик ва хавфсизлик иши учун келтирадиган жиддий оқибатларини назарда тутиб, ўз хавфсизликларини таъминлашга доир зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўлиб қолажаклар.

Ғарбий Германия реваншчиларининг территория талаб қилишлари қатъиян рад этилиши лозим. Ву талаблар мутлақо ўринсиз ва асоссиз талаблардир. Европадаги чегаралар масаласи узил-кесил ва қайтарилмайдиган бўлиб ҳал қилинган, Европа халқлари реваншизм йўлига гов сола оладилар.

Европа давлатлари ўртасидаги мавжуд чегараларнинг, шу жумладан, суверен Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия чегараларининг бузилмас чегаралар эканлиги Европа хавфсизлигини таъминловчи асосий негизларнинг биридир. Ушбу кенгашда қатнашган давлатлар империализм ва реакция кучлари томонидан шу давлатларга қарши қилинадиган ҳар қандай агрессияни емириб ташлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шуни айтадиларки, бу давлатларнинг Европадаги давлатлардан бирортасига ҳам ҳеч қандай территориал даъволари йўқ.

Герман империализми ўтказаётган реваншизм ва милитаризм снёсати ҳамиша барбод бўлиб келди. Жаҳон майдонидаги ва Европадаги кучларнинг ҳозирги нисбати мавжуд бўлиб турган шароитда бундай снёсат Германия Федератив Республикасига ҳеч қандай афзаллик ва фойда келтириш у ёқда турсин, балки Германия Федератив Республикаси учун тузатиб бўлмайдиган оқибатлар келтириши ҳам турган гап.

Европадаги ва бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари, шунингдек немис халқининг манфаатлари ҳам Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Европадаги реал мавжуд аҳвол билан ҳисоблашишларини талаб қилади. Бунинг маъноси шуки, улар иккита германия давлати мавжудлигини назарда тутиб иш қилсинлар, Европа чегараларини ўзгартирамиз, деган даъволаридан, бутун Германиянинг бирдан-бир вакили бўлишга фақат биз ҳақлимиз деган даъволаридан ва Германия Демократик Республикасини танишга интилаётган давлатларга тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишлардан воз кечсинлар, жнояткорона Мюнхен диктатидан воз кечсинлар ва унинг аввал бошданоқ ҳақиқий эмаслигини эътироф қилсинлар. Улар тарих сабоқларини ҳақиқатан ҳисобга олаётганликларини, милитаризмга ва реваншизмга чек қўйишларини ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантириш снёсатини ўтказажакларини амалда исбот қилишлари лозим.

Европада тинчликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган Германия Демократик Республикаси Германия Федератив Республикаси ҳукуматига ва бундестагига конструктив таклифлар билан бир неча марта мурожаат қилиб, ҳар иккала герман давлатининг ядро билан қуролланишдан воз кечишини, уларнинг армияларини қисқартиришни, бир-бирларига қарши куч қўлланмаслик тўғрисида мажбурият олишни, етилган миллий масалаларни, Германия Демократик Республикасини ҳам, Германия Федератив Республикасини ҳам қизиктираётган масалаларни ҳал қилмоқ учун биргаликда музокаралар олиб боришни талаб қилди. Бироқ, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати бу таклифларга қулоқ солмаётир. Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Германия Демократик Республикасининг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар.

Шу кенгашда қатнашган давлатлар Европадаги ҳозирги вазиятни атрофлича кўриб чиқиб, унинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омилларни салмоқлаб кўриб, шундай хулосага келдиларки, қитъадаги давлатларнинг қарийб ярмисини социалистик давлатлар ташкил этган Европада воқеаларнинг номатлуб тарзда ривожланишининг олдини олиш имкониятлари бор. Европа хавфсизлиги проблемаси Европа давлатларининг, ўзлари қайси идеологик маслакка, диний ва бошқа эътиқодларга мансуб бўлишларидан қатъи назар, тинчлик учун қурашаётган барча ижтимоий кучларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлашлари билан ҳал этилиши мумкин. Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни бундан буён ҳам авж олдирмоқчи бўлаётган кучларнинг таъсири нечогли тез йўқотилса, бу вазифа шу қадар муваффақиятли ҳал қилинади.

Европада тинчликни қўпоришга қаратилган планларни урушдан кейинги вақтда бузиб ташлашга неча марталаб муваффақ бўлинди. Бунда Европа социалистик давлатларининг, барча социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва бирдамлиги, улар тинчликни бузиш ниятида бўлганларга нисбатан ҳушёрликни сақлаб қолганлари ҳолда, тинчликсевар ташқи снёсат ўтказиб келганликлари, улар Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишни истаётган ҳамма давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб турганликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ғарбий Европа мамлакатларидаги ишчилар синфининг, ишчилар синфи илғор отрядларининг, кенг меҳнаткашлар оммасининг жамоатчилик фикрини шакллантираётган, демократик, прогрессив ташкилотлари ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг бутун кучи ҳам зўр ғайрат билан шу мақсадга қаратилмоқда.

Снёсий қарашлар ва эътиқодлардаги келишмовчиликлардан юқори туриш, халқаро кескинликни юмшатмоқ учун, Европадаги барча давлатлар ўртасида камситишга йўл қўймай, ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантирмоқ учун, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги ва уларнинг ўз миллий қиёфасини сақлаб қолмоқ учун курашиш зарурлигини англаётган кучларнинг Ғарбий Европа мамлакатларидаги таъсири ўсиб бораётганлиги Европада ҳарбий авантюраларни амалга оширишни тобора кўпроқ қийинлаштираётган муҳим омилдир.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Германия Федератив Республикасида реваншизмга ва милитаризмга қарши чиқаётган, Ғарб мамлакатлари билан ҳам, Шарқ мамлакатлари билан ҳам нормал муносабатлар ўрнатишни, шу жумладан ҳар иккала герман давлати ўртасида нормал муносабатлар ўрнатишни талаб қилаётган, ҳамма немислар тинчлик неъматларидан баҳраманд бўлмоқлари учун халқаро кескинликни юмшатишга ва Европа хавфсизлигини таъминлашга интилаётган доиралар мавжудлиги ижобий ҳол эканлигини қайд қиладилар.

Европада тинчлик ва хавфсизлик учун курашаётганларнинг ўтказаётган таъсири кундан кунга сезиларли бўлиб қолмоқда, агрессив йўл тарафдорлари эса ўз позицияларини йўқота бошладилар. Европа мамлакатлари ва халқларининг ҳар қайсиси учун ва умуман Европа учун хавф-хатар ҳақиқатда қай томондан келаётганлигини ва барча Европа давлатларининг хавфсизлигини муҳофаза этмоқ учун нималар қилиш кераклигини англаётган мамлакатлар ва халқлар Европада тобора кўпаймоқда.

Кенгаш қатнашчилари шунга ассосланиб иш кўрмоқдаларки, Европадаги ҳар бир давлат халқаро ишларда муносиб роль ўйнаши ва Европада халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ва давлатлараро муносабатларнинг ҳар бир халқнинг хавфсизлиги айни вақтда ҳамма учун хавфсизлик бўлишини таъминлайдиган системасини қуришда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашмоғи лозим. Европа давлатлари ўз ўрталаридаги муносабатлар масалаларини четдан ҳеч кимни аралаштирмай ҳал қилишга қодирдирлар.

Социалистик мамлакатлар давлатлар ўртасида суверенитет ва миллий мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига риоя қилишга асосланган нормал муносабатларни барқарор қилиш ва ривожлантириш Европа хавфсизлигини амалга оширишнинг асосий принципларидан бири деб ҳисоблайдилар. Турли тўсқинликларга қарамай, бу принциплар халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ва халқаро вазиятни яхшилашнинг оқилона негизи сифатида тобора кенг эътироф қилинаётганлигини Европадаги аҳвол исботлаб бермоқда.

Давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар улар ўртасида тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган снёсий муносабатларни мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Традицион савдо муносабатлари билан боғланган Европа мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ҳамкорликларини ўзаро асосда ривожлантириш натижаларидан фақат манфаат кўришларигина мумкин. Европа давлатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг кенгайтирилиши бу соҳадаги мавжуд камситишлар ва тўсқинликларнинг йўқотилиши халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик вазиятини вужудга келтиришнинг ва халқларни бир-бирига яқинлаштиришнинг муҳим омилидир. Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожлантирилиши уларнинг жаҳонининг бошқа қисмларидаги мамлакатлар билан товар айирбошлашларини кенгайтиришларига имконият очиб беради. Бу алоқалар ҳамда халқларнинг бир-бирлари билан яхшироқ танишиб олишларига имкон берувчи илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг ҳар томонлама ривожлантирилиши шу алоқалар авж олаборган сари Европа хавфсизлигининг ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашнинг моддий негизи бўлиб қолиши мумкин.

Европа давлатлари ва халқларининг социал-снёсий тузуми, идеологияси ва снёсий қарашларида ҳар қанча тафовутлар бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасининг ҳаётий миллий манфаатларига мос бўлиб тушадиган бир муштарак иш борки, у ҳам бўлса Европада тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслик, агрессия кучларини жиловлаб қўйиш вазифасидир.

III.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар ҳозир вужудга келаётган вазият барча Европа давлатларидан Европада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида актив ҳаракатлар қилишни талаб этади, деб ҳисоблайдилар.

Европа давлатларининг ҳукуматлари агрессия қилиш планларини тузаётганларнинг юпатувчи ваъдаларига ишона олмайдилар, иккинчи жаҳон урушининг якунларини қайта кўриб чиқишга интилиб, бизга ядро қуроли ўз хавфсизлигимизни таъминламоқ учун керак, деб ишонтиришга уринаётганларнинг гапларини рост гап деб қабул қила олмайдилар ва пассив бўлиб қола олмайдилар, шу тарзда Европани ҳалокатли ядро урушига плацдарм қилишга тайёрланаётган кучларни, хо ҳоҳлаб, хо ҳоҳламай, рағбатлантира олмайдилар.

Европа давлатларининг ҳукуматлари халқлар олдидаги ўзларининг юксак масъулиятларини англаб, Европада кескинликни юмшатишга, хавфсизликни мустаҳкамлашга, Европа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли тинч ҳамкорлик авж олдиришга томон бурилиш ясашни таъминлайдиган чора ва тадбирлар кўришлари лозим.

Европа олдида бундай вазифа биринчи марта пайдо бўлаётгани йўқ. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини агрессив кучлар жуда махфий равишда, бизнинг ниятимиз тинчлик деган ёлғон гаплар ниқоби остида тайёрлаган эдилар. Халқларнинг ҳушёрлигини ғафлатда қолдириш мақсадида ҳар сафар пропаганда ва дезинформациянинг жуда катта аппаратидан фойдаланилар эди. Лекин миллион-миллион кишилар ҳалок бўлганидан сўнг, обод шаҳарлар ва қишлоқлар қултепаларга айлантирилганидан кейингина халқларнинг кўзи очилди. Бунга учинчи марта ядро энергияси ва қудратли ракеталар асрида йўл қўйиб бўлмайди.

Кенгашда қатнашган мамлакатлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлашнинг конструктив чоралари тезроқ амалга оширилишини талаб қиладилар. Улар ҳозирги шароитда шундай чоралар кўриш учун реал имконият борлигига аминдирлар. Шу мақсадда улар бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Европада тинчлик ва хавфсизлик иши учун мустаҳкам гарантиялар вужудга келтириш барча Европа давлатларининг иштирок қилишини, ҳамма маъқуллайдиган қарорларга келиш мақсадида турли нуқтаи назарларни сабр-матонат билан конструктив муҳокама қилишни талаб этувчи муҳим вазифадир.

Европа социалистик мамлакатлари конкрет ҳаракат программаси бўлган асосий таклифлар билан бир неча марта чиқдилар.

Декларацияга имзо чеккан давлатлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари аввало қўйидаги асосий йўлларда амалга оширилиши мумкин ва лозим деб ҳисоблайдилар.

Биринчи. Кенгашда қатнашган давлатлар барча Европа давлатларини мустақиллик ва миллий суверенитет, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик асосида — турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари асосида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга чақирдилар. Шунга асосланиб улар иқтисодий ва савдо алоқаларини кучайтиришни, фан, техника, маданият ва санъат соҳаларида, шунингдек Европа мамлакатларининг ҳамкорлик қилиши учун янги имкониятлар очиб берадиган бошқа соҳаларда алоқаларни ва ҳамкорлик формаларини кўпайтиришни талаб қиладилар.

Тинч ҳамкорликнинг ҳеч бир соҳаси йўқки, Европа давлатлари ўзаро манфаатли ишларни давом эттириш имкониятини тополмаган бўлсинлар.

Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш ҳар қандай камситиш ва тазйиқдан, хоҳ снёсий, хоҳ иқтисодий характерда бўлсин бошқа мамлакатларга қарши қаратилган ҳар қандай камситиш ва тазйиқдан ҳамма давлатларнинг воз кечишини, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб ҳамкорлик қилишини ва ўз ўрталарида нормал муносабатлар ўрнатишларини, шу жумладан ҳар иккала герман давлати билан нормал муносабатлар ўрнатишларини зарур иш қилиб қўяди.

Европанинг турли социал системадаги давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши уларнинг иқтисодий ва маданий алоқаларини тағин ҳам кўпроқ активлаштириши ва шу тариқа Европа давлатларининг Европадаги вазиятни соғломлаштириш ҳамда ўзаро ишонч ва ҳурматни ривожлантириш ишига амалий ҳисса қўйиш имкониятларини ошириш мумкин.

Иккинчи. Социалистик мамлакатлар жаҳоннинг ҳарбий блокларга ва иттифоқларга бўлинишига ҳамиша изчил равишда қарши бўлиб келдилар ҳамда ялпи тинчлик ва хавфсизлик учун мана шундай бўлинишдан келиб чиқадиган хавф-хатарни йўқотишни талаб қилиб келдилар.

НАТО ҳарбий агрессив гуруҳи тузилганлигига ва бу агрессив блокка Ғарбий Германия аъзо қилиб олинганлигига жавобан, суверен ва тенг ҳуқуқли давлатларнинг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномаси — мудофаа пакти тузилди. Бу мудофаа пакти Шартномада қатнашувчи мамлакатлар хавфсизлигини ва Европадаги тинчликни ҳимоя қилиш қуролидир.

Лекин Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар империалистик кучлар сабабли тузилган ҳарбий блокларнинг ва бошқа давлатлар территориясида ҳарбий базаларнинг мавжудлиги давлатларнинг бир-бири билан ҳамкорлик қилиши йўлига қўйилган тўсиқ деб ҳисоблаб келдилар ва ҳисоблайдилар. Халқаро турмушнинг ҳозирги соғлом тенденцияларига зид ҳарбий гуруҳларнинг мавжудлиги эмас, балки Европада қитъадаги ҳамма давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва бир-бирини ҳурматлаш муносабатларига, Европадаги барча миллатларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлашларига асосланган хавфсизликнинг самарали системасини ўрнатиш Европадаги ҳар бир мамлакат хавфсизлигининг ва тараққиётининг чинакам гарантияси бўлиши лозим.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан мамлакатлар, аввало, Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатиш чораларини кўриш зарур бўлиб қолди, деб ҳисоблайдилар. Мавжуд ҳарбий иттифоқларни айни бир вақтда тарқатиб юбориш бунга эришишнинг энг муҳим йўли бўлур эди, ҳозирги вазият эса, буни мумкин бўладиган иш қилиб қўймоқда. Шимолий Атлантика иттифоқининг ҳаракатлари тўхтатилган тақдирда Варшава шартномаси ўз кучини йўқотади, деб ва уларнинг ўрнини Европа хавфсизлиги системаси эгаллаши лозим деб давлатларнинг ҳукуматлари неча марталаб кўрсатиб келдилар. Ҳозир улар мазкур иттифоқларни айни бир вақтда тугатишга ўзларининг тайёр эканликларини тантанали равишда таъкидлайдилар.

Бироқ, Шимолий Атлантика шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳар иккала гуруҳни батамом тарқатиб юборишга аввалгидек ҳозир ҳам тайёр бўлмасалар ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Шимолий Атлантика пактининг ҳам, Варшава шартномасининг ҳам ҳарбий ташкилотларини тугатиш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ битимга келишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда улар шуни айтадиларки, модомики, Шимолий Атлантика блоки давом этаберар экан ва агрессив империалистик доиралар бутун дунёда тинчликка ҳамла қилаберар эканлар, ушбу кенгашда қатнашган социалистик мамлакатлар юксак даражада ҳушёрликни сақлаб турган ҳолда ўзларининг қувватларини ва мудофаа қобилиятларини қатъият билан мустаҳкамлайверадилар.

Шу билан бир вақтда биз Шимолий Атлантика пактининг ва Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган ҳамма давлатлар, шунингдек ҳеч бир ҳарбий иттифоққа қатнашмаётган мамлакатлар Европа хавфсизлиги ишини олдинга силжитиш мақсадида икки ёқлама ёки кўп ёқлама асосда куч ва ғайрат сарфлашлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Учинчи. Ҳозирги вақтда Европа қитъасида ҳарбий кескинликни юмшатишга қаратилган қуйидаги қисман чоралар ҳам катта аҳамият кашф қилмоқда, чунончи:

Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш:

барча чет эл қўшинларини ўзга мамлакатларнинг территорияларидан ўз миллий чегаралари доирасига олиб кетиш;

ҳар иккала герман давлати қуролли кучларининг сонини келишиб олинган ҳажмда ва келишиб олинган муддатларда қисқартириш;

ядро можароси хавфини йўқотишга қаратилган чоралар кўриш: ядросиз зоналар вужудга келтириш, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг бу қуролни шундай зоналардаги давлатларга қарши қўлланмаслик тўғрисида ўз зиммаларига мажбуриятлар олишлари ва ҳоказо;

атом ва водород бомбалар ортилган чет эл самолётларининг Европа давлатларининг территориялари тепасида учиб юришларини тўхтатиш ҳамда ядро қуроли ортилган чет эл сув ости ва сув усти кемаларининг Европа давлатлари портларига киришларини тўхтатиш.

Тўртинчи. Германия Федератив Республикасининг ядро қуроли олишни даъво қилаётганлиги Европадаги тинчлик иши учун хатарли эканлигини эътиборга олиб, давлатлар Германия Федератив Республикасининг ҳар қандай формада — бевосита ёки давлатларнинг гуруҳлари орқали, бавосита, ядро қуролига эга бўлиш имкониятига, унинг шундай қуролни фақат ўзи тасарруф қилишига ёки бундай қуролни тасарруф қилишда ҳар қандай формада иштирок қилишига йўл қўймаслик учун ўзларининг куч ва ғайратларини сарфлашлари лозим. Европа халқларининг ва бошқа қитъалардаги халқларнинг ҳам келажаги шу масаланинг қандай ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу масалада ҳам чалакам-чатти иш қилинишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бешинчи. Чегараларнинг даҳлсизлиги Европада мустаҳкам тинчликнинг негизидир. Европадаги вазиятни нормаллаштириш манфаатлари ҳам Европадаги давлатларнинг, шунингдек ҳам Европа қитъасидан ташқаридаги давлатларнинг ҳаммаси ўзларининг ташқи снёсатларида инсоннят тарихидаги энг қирғин урушдан сўнг Европа давлатлари ўртасида вужудга келган мавжуд реал чегараларни, шу жумладан Польшанинг Одер-Нейссе линияси бўйлаб ўтган чегарасини ва ҳар иккала герман давлати ўртасидаги чегарани эътироф қилишга асосланиб, иш олиб боришларини талаб қилади.

Олтинчи. Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилиш Европадаги тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади. Кенгашда қатнашган социалистик давлатлар шу проблемани ҳал қилиш йўлларини қидиришни давом эттиришга тайёрдирлар. Бу тўғридаги қарор барча манфаатдор мамлакатларнинг хавфсизлиги манфаатларини, умуман Европа хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиши лозим.

Воқеликка асосланиб, аввало иккита герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд деган пактни эътироф қилишга асосланиб иш кўрилганидагина Европадаги хавфсизликнинг бошқа жиҳатларига доир масалаларда бўлгани каби ву масалада ҳам конструктив йўл тутиш мумкин. Айни вақтда проблеманинг бундай бартараф қиликмоғи учун мавжуд чегаларни эътироф қилиш ва ҳар иккала герман давлати ядро қуролига эга бўлишдан воз кечиши зарур.

Фаолиятнинг турли соҳаларида — снёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда Европааро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишларда ҳар иккала герман давлатининг тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок қилиши шу давлатлардаги ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг, бутун аҳолининг тараққиёт ва тинчлик ишига Европадаги бошқа халқлар билан бир қаторда ўз имкониятларига ва ўзларининг бунёдкорлик қобилиятларига яраша ҳисса қўшишларига имкон беради.

Ҳар иккала герман давлатини бирлаштириш масаласига келганда бу мақсадга кескинликни юмшатиш, ҳар иккала суверен герман давлатининг бир-бири билан яқинлашуви ва бир-бири билан битимга келиши орқали, Германия ва Европада қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш орқали ва Германия бирлаштирилган тақдирда бундай бирлашган герман давлати чинакам тинчликсевар, демократик давлат бўлиб қолади ва у ўзининг қўшинларига ва Европадаги тинчликка ҳеч қачон таҳдид солмайдиган бўлади деган принцип асосида эришилади.

Еттинчи. Европада хавфсизликни таъминлаш ва умумевропа ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилмоқ учун умумевропа кенгашини чақириш катта ижобий аҳамиятга эга бўлур эди. Бундай кенгашда эришиладиган битим, масалан, Европа хавфсизлигини сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Умумевропа Декларацияси шаклида ифодаланиши мумкин бўлур эди. Бундай Декларацияда шу Декларацияга имзо чеккан давлатларнинг бир-бирларига нисбатан муносабатларда тинчлик манфаатларига амал қилиш, низоли масалаларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирларини қизиқтирувчи масалалар устида маслаҳатлашиб туриш ва бир-бирларини хабардор қилиб туриш, бир-бирлари билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисида ўз зиммаларига олдиган мажбуриятларини кўзда тутиш мумкин бўлур эди. Декларация барча манфаатдор давлатларнинг қўшилиши учун очиқ бўлиши лозим.

Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги масалаларига атаб кенгаш чақириш Европада хавфсизлик системасини вужудга келтиришга ёрдам берган бўлур эди ва Европанинг ҳозирги тарихида катта босқич бўлиб қолур эди. Бизларнинг мамлакатларимиз бундай кенгашда Шимолий Атлантика шартномасининг қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар учун ҳам, шунингдек бетараф давлатлар учун ҳам қулай бўлган ҳар қандай вақтда қатнашишга тайёр. Европанинг бетараф мамлакатлари шундай кенгашни чақириш ишида ҳам ижобий роль ўйнашлари мумкин бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшандирки, бундай учрашув ёки конференциянинг кун тартиби ҳамда уни тайёрлашнинг бошқа масалалари барча қатнашувчи давлатлар билан биргаликда уларнинг ҳар қайсиси киритаётган таклифларни назарда тутиб, белгиланиши лозим.

Кенгашда қатнашган мамлакатлар Европа хавфсизлиги проблемаларини муҳокама қилишга имкон берадиган бошқа методлардан ҳам: дипломатик йўллар билан музокаралар олиб бориш, ташқи ишлар министрларининг ёки махсус вакилларнинг икки ёқлама ёки кўп ёқлама асосда учрашувларини ўтказиш, энг юксак доирада учрашувлар ўтказиш методларидан ҳам фойдаланишга тайёрдирлар. Кенгашда қатнашган мамлакатлар юқорида баён этилган мулоҳазалар Европа хавфсизлигини таъминлашнинг асосий, энг муҳим жиҳатларини ўз ичига олади деб ҳисоблайдилар. Кенгашда қатнашган мамлакатлар ҳар бир давлат ўртага ташлаган ёки ўртага ташлаши мумкин бўлган бошқа таклифларни ҳам муҳокама қилишга тайёрдирлар.

Бундай муҳокама қатнашувчиларига келганда Варшава Шартномаси давлатлари бундан ҳеч кимни мустасно қилмайдилар. Европа проблемаларини муҳокама ва ҳал қилишда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир давлатнинг ўз ишидир.

У ёки бу давлат қандай снёсий йўл танлаб олиши — тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келадиган снёсий йўлни танлаб оладими ёки шу манфаатларга зид снёсий йўлни танлаб оладими, бу нарса халқларга барибир эмас, албатта.

Кенгаш қатнашчилари Европадаги ишларнинг қай йўлда ривожланишига бошқа қитъалардаги мамлакатлар ҳам бепарво бўлиб қолишлари мумкин эмаслигига аминдирлар. Ҳар иккала жаҳон урушларининг алангаси Европа ерида ловуллаган бўлса ҳам, лекин деярли бутун планетани қуйдирди. Кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Европадан олисдаги қитъалар ҳам вайронгарчиликка учрадилар ва уларнинг одамлари қурбон бўлди. Шу сабабли тинчлик тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилаётган ҳар бир ҳукумат Европадаги вазиятни юмшатишга ва соғломлантиришга олиб борадиган ҳар бир қадамни табрикламаслиги, бу йўлда сарфланаётган куч ва ғайратни қўллаб-қувватламаслиги мумкин эмас.

Бизларнинг мамлакатларимиз Европа хавфсизлигининг мустаҳкамланишидан ўзларининг манфаатдор эканликларини, шу мақсадда олиб борадиган чора-тадбирларни кўришда қатнашишга ўзларининг тайёр эканликларини билдириб, шу нарсага аминдирларки, умумжаҳон аҳамиятга эга бўлган проблемани ҳал қилишга ҳисса қўшиш Европадаги барча давлатларнинг бурчидир. Бундай проблемаларнинг бартараф қилиниши Европадаги вазиятга ҳам ҳайрли таъсир ўтказиши шак-шубҳасиз. Давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни таъминлаш, халқаро муносабатларда куч қўлланишни ёки куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш, қуролсизланиш, ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш ва ядро уруши хавфини йўқотишга, ҳамма формалар ва кўринишлардаги мустамлакачиликни батамом тугатишга, ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишга, тенг ҳуқуқли халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бошқа катта чора-тадбирлар шу проблемалар қаторига киради. Ўз навбатида ушбу кенгашда қатнашган давлатлар мазкур жаҳон проблемаларини тезроқ ҳал этишга кўмаклашмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни бундан буён ҳам кўраверадилар. Кенгашда қатнашган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига қатъий риоя қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг универсаллигини таъминлаш, унинг фаолиятини жаҳонда рўй берган ўзгаришларга мувофиқ ҳолга келтириш асосида шу ташкилотни мустаҳкамлашга катта аҳамият берадилар ҳамда ялпи тинчликни ва хавфсизликни сақлаб қолиш ва халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш мақсадида бу Ташкилотнинг самарадорлигини оширишга бутун чоралар билан кўмаклашаверадилар.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Европада тинчликни мустаҳкамлашнинг ўзаро мақбул йўлларини бошқа давлатлар билан биргаликда қидиришга ўзларининг тайёр эканликларини билдирадилар. Улар халқаро миқёсда тинчлик йўлини, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги йўлини, барча эрксевар ва прогрессив кучларни жипслаштириш йўлини ҳимоя қилишга, империалистик агрессияга қарши, диктат ва зўравонлик снёсатига қарши курашишга, эркинлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт ишини қўллаб-қувватлашга маҳкам бел боғлаганлар. Кенгаш қатнашчилари барча Европа ҳукуматларига ва миллатларига, қитъамиздаги барча тинчлик ва тараққиёт кучларининг идеологик, снёсий ёки диний эътиқодларидан қатъи назар, шу кучларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, уларни жаҳон цивилизациясининг энг муҳим марказларидан бири бўлган Европанинг тенг ҳуқуқли миллатлар ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлик қиладиган қитъа бўлиб қолиши, бутун дунёдаги мустаҳкам тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг қудратли фактори бўлиб қолиши учун ўзларининг бутун кучларини бирлаштиришга чақирадилар.

Болгария Халқ Республикаси номидан

Тодор ЖИВКОВ,
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси.

Венгрия Халқ Республикаси номидан

Янош КАДАР,
Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари.

Дюла КАЛЛАИ,
Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси.
Германия Демократик Республикаси номидан

Вальтер УЛЬБРИХТ,
Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси.

Вилли ШТОФ,

САМАРҚАНДИЙ КИТОБИ

Маданиятимиз тарихидан

Абдураззоқ Самарқандий Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Қашқарнинг XIV—XV асрлар тарихига оид қимматли маълумотлар қолдирган. Унинг «Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки дengизнинг қўшилиши» номли китоби ёзилган замонидаёқ мутахассис ва китобхонлар орасида машҳур бўлди.

XVII асрда бу китоб турк, француз ва голланд тилларига таржима қилинган. XVIII асрда эса инглиз тилида босилиб чиқди. Шундан сўнг ҳам мазкур асарнинг танқидий тексти ва таржимаси Париж, Лондон, Петербург, Лаҳорда нашр этилди.

1960 йилда китобнинг бир қисми «Ҳиндистон сафарномаси» номи билан Ўзбек тилида босилди. Уни ёш тадқиқотчи А. Ўринбоев таржима қилган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг китоби машҳур бўлишига қарамай, олимнинг биографияси унча маълум эмас эди. Яқинда Асом Ўринбоевнинг «Абдураззоқ Самарқандий» номли китоби босилиб чиқди. Бу китобда жаҳон шарқшунослигида биринчи марта ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандийнинг таржимаи ҳоли ва илмий, ижтимоий-сиёсий фаолияти батафсил ёритилади.

Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) самарқандлик зиёли оиласида дунёга келиб, ўз даврида мукаммал билим олган. У ёшлигиданоқ араб тили грамматикасидан рисола ёзиб муваффақият қозонади.

Абдураззоқ Темурнинг ўғли Шоҳрух саройида хизмат қилган. У Шоҳрухнинг топшириғи билан Ҳиндистонга элчи бўлиб боради. Элчи Абдураззоқ Самарқандийни жанубий Ҳиндистондаги кучли давлат—Вижаянагаранинг подшоси Дева Райя II қабул қилади. Дипломат Абдураззоқнинг ҳаракатлари туфайли Вижаянагара ва Хуросон (Ўрта Осиё) орасида яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилган эди.

Асом Ўринбоев катта дипломат ва тарихчи Абдураззоқ Самарқандий биографиясини турли манбалар асосида ёзди. Биз унинг китобидан, масалан, Абдураззоқнинг Шоҳрухни Гилон (Эроннинг бир вилояти) ҳокими билан яраштирганлиги каби ажойиб фактларни билиб оламиз.

Абдураззоқ Самарқандий фақат подшолар ва сарой аҳлининг фаолиятини кўрсатибгина қолмай, (бу нарса ўша замон тарихчилиги учун характерлидир), балки мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий аҳволини ҳам ёритгандир.

Ҳ. ҲАМИДОВ,
Самарқанд университетининг аспиранти.

СУРЪАТ

Шу неча-кундузда Тошкентда бўлган киши бу ерда мардонавор меҳнат қилаётган бинокорларнинг ғайрат-шижоатига қойил қолади. Мамлакатимизнинг турли томонларидан келган қардошларимиз 120 дан ортиқ майдонда қурилиш ишларини олиб бораётирлар. Ҳарбий бинокорлар йўлдош-шаҳар Сергилини шу йилнинг ўзидаёқ қуриб тамомлаш ҳаракатини қилмоқдалар.

Ҳеч ким бошпанасиз қолмайди! Шундай шиор остида кун сайин баракали меҳнат қилаётган бинокор ва монтажчилар суръати тобора тезлашиб боряпти. Кейинги икки ой ичида бундан олдинги тўрт ойда тикланганига тенг келадиган ҳажмда уй-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. «Главташкентстрой» ташкилотлари зилзиладан сўнг 100 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой биноларини қуриб топширдилар. Зилзиладан зарар кўрган юз минг квадрат метр уйлар ремонт қилинди.

Шаҳардаги уйсозлик комбинати азаматлари Тошкент қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ойига 22 минг квадрат метр уй тиклашга етадиган миқдорда блок ва конструкциялар тайёрлаб беришяпти. «Крупнопанелжильстрой» трести ташкил қилинганидан сўнг йирик панелли уйлар қурилиши яна ҳам тезлашиб кетди. Украинадан келган бинокорлар ташкилоти — «Укрстрой» трести коллективи қардошлар даврасида айниқса ибрат кўрсатмоқда. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ шу йил қуриладиган уйларнинг барчаси учун пойдеворларни тахт қилиб қўйдилар. Москваликлар ҳам 20 та майдонда уй-жой бинолари тикламоқдалар.

Сирдарё области. Горизонталь дренаж Мирзачўл ерларининг шўрини қочиришда деҳқонларга қўл келмоқда. Суратда: дренаж ётқизиш бўйича смена нормаларини орттириб бажараётган экипаж аъзолари (чапдан ўнгга): Б. Султонов, И. Олтинов ва М. Минаҳмедов ўртоқлар.
А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Балиқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 7 июлдаги Фармони билан балиқ овлаш флоти денгизчилари, балиқ саноати ишчилари, инженер-техник ходимлари, балиқчи колхозчилар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларидан катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Бизнинг ахборот

КОЛХОЗ МУЗЕЙИ

ЯНГИАРИҚ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Райондаги Аваз Ўтар номли колхозда «Шавкатли меҳнат музейи» ташкил қилинди. Музей бўлимларида коллектив хўжаликнинг тарихи, колхоз экономикасининг ривожланиш даврлари, техника тараққиёти, турмуш маданиятини юксалтириш ва бошқа масалалар конкрет фактлар, жонли экспонатлар воситасида тасвирланган, ишлаб чиқариш илғорларининг ютуқлари ёрқин акс эттирилган.

Ф. ЗОҲИДОВ.

ОТА-ОНАЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Нукус шаҳрида ота-оналар конференцияси бўлди. Шаҳар партия комитетининг секретари И. Нурмуханова партия XXIII съезди қарорлари асосида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Конференция қатнашчилари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиб, тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАРҒОНА ПАХТАКОРЛАРИ АНДИЖОНДА

ДЎСТОНА МАСЛАҲАТЛАР

Мусобақадош Фарғона области ўзаро текшириш бригадаси Андижонга келди. Бригада аъзолари орасида таниқли пахта усталари, агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, экономистлар бор. Фарғоналиклар мусобақа шартлари ва беш йиллиннинг биринчи йили учун олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текширмоқдалар. Мусобақадошлар ишдаги камчиликларни юз-хотирсиз очиб ташлаб, уни тезроқ бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришяпти.

Поп район партия комитетининг секретари М. Эгамбердиев бошчилигидаги бир группа фарғоналиклар Ленин райони хўжаликларининг иши билан танишдилар. Районда 76 минг тонна пахта учун қизғин кураш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. «Правда Востока», «Победа», «Коммунизм» ва бошқа илғор хўжаликларда бутун куч дала ишларига сафарбар қилинган. Ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилянти. Катта-катта майдондаги ғўза қийғос гуллаб ётибди. «Победа» колхозининг Тургунбой Мавлонов бошлиқ бригадасида ғўзанинг ривожи айниқса яхши. Мусобақадошлар миришкор деҳқонларнинг иш тажрибаларини синчиклаб ўрганяптилар ва ўз хўжаликларида амалга ошириш режаларини тузмоқдалар.

Фарғоналиклар дала ишларида жиддий камчиликлар борлигини ҳам аниқладилар. Энгельс номли колхознинг Жамолиддин Шамсиддинов бошлиқ бригадасида ғўза об-тобида суғорилмаган. У ривожланишдан орқада қолган. А. Каримов бригадасида ўргимчаккана пайдо бўлган. Аммо унга қарши кураш олиб борилмаяпти. Колхознинг 21-, 22-бригадаларида ҳам ғўза камҳосил. Мусобақадошлар бу камчиликларни дарҳол бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бердилар.

«Ўзбекистон» колхозининг 7, 18-бригадаларида ғўза ниҳоятда чанқатиб қўйилган. Суғорилган майдонлар эса вақтида культивация қилинмаган. Ер ёрилиб кетган. Шунинг учун ҳам бу бригадаларда ғўза ўсишдан тўхтаб қолган. Ленин номли колхознинг М. Йўлдошев бошлиқ бригадасида ғўза қатор оралари сифатсиз ишланмоқда. Культивация жуда саёз ўтказилмоқда. Тракторчи Қ. Абдуллаев тракторнинг иш органларини яхши созламаган. Оқибатда кўчат нобуд бўляпти.

Мусобақадошлар район далаларини айланганда бекор турган тракторларни ҳам учратдилар. Карта четларида паст ғўзалар кўплигидан ачиндилар. Катта майдонларда кўчат ҳар хил: бир жойда говлаб нетган, иккинчи жойда ўсмай қолган.

Олтиариқ район ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Ҳамидов бошчилик қилаётган группа Избоскан райони хўжаликларида бўлди. Бу ерда ҳар бир туп кўчатни серҳосил қилиб ўстириш ва ҳосил тугунчаларини тўла сақлаб қолиш учун тинмай курашиляпти. Лекин ғўза парваришида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Охунбобоев номли колхознинг Х. Қобилов бошлиқ бригадасида меҳнат интизоми бўш. Ягана чала ўтказилган. Тельман номли колхознинг А. Абдурахмонов бошлиқ бригадасида 8 гектар майдондаги ғўзани ўт босган. Шу картанинг бир қисми сувга бостириб юборилган.

Фарғоналик пахтакорлар аниқланган камчиликларнинг ўз жойида тузатилишига эришдилар. ва мўл ҳосил тўплаш учун июль, август ойларида нималарга эътибор бериш керанлигини айтдилар. Андижонликлар бу маслаҳатларга диққат билан қулоқ солиб, ишни ана шу маслаҳатлар асосида ташкил этмоқдалар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОММУНИСТИК АХЛОҚ ВА ОДОБ МАСАЛАЛАРИ

Газетхонлар хатларидан

УМР ЗИЙНАТИ

Дўстлик, ҳамдардлик, ҳамроҳлик. Буюк шоирларимиз Навоий, Руставели, Низомийлар қуйлаган мавзу. Бу сўзлар ҳозир ҳам кишиларимизнинг тилидан тушмайди. Улар мард, вафодор дўстлар ҳақида қувониб, ўтинчи дўстлик тўғрисида қуйиниб гапирадилар. Газетамизда эълон қилинаётган дўстлик ҳақидаги мақолаларни ўқиб, кўпчилик газетхонлар фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишмоқда.

«Мен, Бузулайхо Абдуллаеванинг «Шу ҳам ўртоқ бўлдими?» деган мақоласини қайта-қайта ўқиб чиқдим, — деб ёзади жарқўрғонлик маориф ходими Ўсмон Аҳмедов. — Бузулайхонинг умр йўлдошини ота-оналари йўлга солишлари лозим эди. Афсуски, улар аксини қилишибди. Бузулайхо, синглим, ўксима, агар Йўлдошинг мард бўлса, ваъдасига вафо қилади».

Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, — дейди доно халқимиз. Айниқса, умид билан бир ёстиқ қа бош қўйган кишилар турмушнинг аччиқ-чучугини, оғир енгилини баравар баҳам кўришлари керак. Тошкентнинг Октябрь районидаги 123-мактаб ўқитувчиси Ханифа Қурбонова мақола қаҳрамони Бузулайхони ва унинг ўртоғини шундай тотув яшашга чақиради. Ҳанифа умр йўлдоши Содиқ Мўминов билан ана шундай тотув, бахтиёр яшаётганлигини мамнунлик билан ёзади. «Содиқжон қувончини ҳам, ташвишни ҳам мен билан баҳам кўради, қайғурганимда кўнглимни кўтаради, фарзандларимизга бирам меҳрибон», — дейди у.

Москвадан хат ёзган бинокор солдат Адҳам Иброҳимов бир бўлинмада турли миллат фарзандларининг иноқ, аҳил, дўст бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида қувониб гапиради. Бекободлик Мели Султонов, ғиждувонлик Саида Иброҳимова ҳамда бошқа газетхонлар дўстлик умр зийнати эканлигини таъкидлаб ёзишган.

ҲАЁ ҲАМ ҲУСН

Ажойиб фазилатли кишилар кўп. Лекин айрим одамлар борки, ўзлари тарбия соҳасида ишлаб туриб жамоатчиликдан уялмай беиболик, беҳаёлик қиладилар. Улар кўнгилхушликни баҳона қилиб, ахлоқ-одоб кўчасидан чиқиб кетадилар. Ҳаммадан ёмони шуки, бундай кишиларнинг ёмон намунаси улар қўлида тарбияланаётган ёшларнинг эвгу туйғуларини, софлик, инсонга ҳурмат каби тасаввурларини чилчил қилади.

Газетамизда босилган «Беҳаё» сарлавҳали мақолада ана шундай нотавон тарбиячи, Андижон медицина институтининг ўқитувчиси Расуловнинг нопок ишлари фош қилинган эди. У хотини, бола-чақаларини ташлаб, катта қизидан 14 ёш кичик Алла Васильевнага уйланган. Шу мақолани ўқиган газетхонлар бу муаллимнинг ишларини қатъий қоралаб, фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишган.

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхозининг механиги А. Абдуллаев бир гуруҳ механизаторлар номидан ёзган хатида бундай дейди: «Ана шундай беҳаё ўқитувчиларнинг қилгини эшитиб, кўриб туриб, биз қишлоқ меҳнаткашлари қизимизни, сингилимизни, жиянимизни қандай қилиб уларнинг қўлига шогирдликка топширамиз?». Пайариқлик бир гуруҳ колхозчилар номидан хат ёзган И. Ўсаров, жиззахлик колхозчи Б. Тожибоев, фарғоналик колхозчи А. Аҳмадқулов, чимкентлик деҳқон Т. Мараимов ўртоқлар ўқитувчи номини муқаддас билиш, уни пок сақлаш зарур эканини таъкидлаб ўтадилар.

Тошкентлик С. Ҳазратов ва Муҳиддиновлар айрим кишиларнинг жирканч ишларидан ғазабланиш билан айни вақтда қизларни ҳам ёшликдан ҳаё, иффат, инсоний ғурурни сақлашга чақиришади.

КЎЗ-КЎЗГА ТУШГАНДА

Бир оғиз ширин сўз ёки бир дона гул синган кўнгилни равшан қилиши, беморнинг оғир дардини енгиллаштириши мумкин. Тошкент тепловоз депосининг машинист ёрдамчиси Қ. Саидов умр йўлдошидан ана шу бир оғиз ширин сўзини олди. Аксинча, номуносиб иши билан беморнинг дардини оғирлаштирди. Шу ҳақдаги мақолани ўқиб РСФСРдан хат ёзган Қаюмов, Жумаев, Саторов ва бошқа солдатлар жафокаш аёлга далда бериб, бундай мурожаат қилишади: «Қадрли Минзифа опа, қайғурманг, сиз албатта соғайиб кетасиз, меҳнат қучоғига қайтасиз! Ўртоғингиз эса, инсон қадри пулга сотилмаслигини тушуниб қолади».

Кишиларимиз бирор яқин кишиси бетоб бўлиб қолганда, унинг атрофида парвона бўлишади. «Пиллачиликнинг қизғин палласида, — деб ёзади Калинин районидан Шуҳрат Умаров, — колхозга ёрдамлашиш учун тут барги қирқаётиб, дарахтдан қулаб, ҳушимдан кетдим. Кўзимни очсам, Тошкентдаги ортопедия ва травматология шифохонасида ётибман. Врачлар Мақсудов ва Мирсодиқовлар оёгимни маҳорат билан операция қилишди. Лекин тез соғайиб кетолмадим. Чунки дардим оғир эди.

Яхшики, дўстларим кўнглимдаги шубҳаларни тарқатишди. Айниқса М. исмли қизнинг меҳрибонлиги, ғамхўрлиги туфайли, соғлиғим яхшиланиб борди. Унинг ҳароратли, ширин сўзларини эшитиб, дардимни унутдим. Соғайишимга умидим кучайди. Чунки вафодор дўстим қийин дамларда менга муҳаббатини ҳадя этди».

Солдат Олим Каримов собиқ қурсдоши Холнисодан хат келмай қолганида ниҳоятда ташвишланган. Дарҳақиқат, Холнисо тўрт ой бетоб ётган экан. Олимжон олисда, ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ҳам, хат орқали курсдошига далда бериб, меҳрли сўзлари билан қизнинг соғайиб кетишига ёрдамлашган.

Эстониядан хат ёзган Р. Абдулваҳидов, Красноярскдан ёзган А. Қорахўжаев Қозоғистондан ёзган А. Мамадалиевлар ҳам «Кўз-кўзга тушганда» мақоласини ўқиб, Саидов хизмат қилаётган депо раҳбарларини кишиларга сезгир, ғамхўр, меҳр-оқибатли бўлишга чақиришган. Неча ўнлаб газетхонларнинг талаб, илтимосларини ҳисобга олиб, Қ. Саидов хотини — Минэнфанинг холидан хабар олди. Икки ёш яна тотув турмуш кечирмоқда.

Инсонпарварлик, одамийлик, меҳр-оқибат мард кишиларга хос фазилатдир. Бу хислатларни ҳаммамиз ёшликдан ўрганишимиз керак.

М. МАҲМУДОВ.

ҚЎША ҚАРИНГЛАР...

ҲИКОЯ

Мана шунақанги тўкин-сочин палладa меҳнат отпускасига чиқиб, шаҳарнинг ўзига хос шовқин-суронли, темирдек қизиб кетадиган асфальт кўчаларидан вақтинча бўлсада воз кечаман-у, болалик чоғларим ўтган қишлоғимга томон йўл оламан.

Катта тоғамни ҳамиша боғдан топаман. Боғбонлик унга ота касб эмасми, дов-дарахтга шу қадар меҳр қўйганки, бошидан зар сочсангиз ҳам боғдан бир қадам нари силжигиси йўқ. Неча бор шаҳарга таклиф этиб кўрдик, кўнмади.

Биринчи кечани тоғам билан боғда ўтказдик.

Тун маликаси — қамар, ўрдакчаларини эргаштириб кўлда сузиб юрган она ўрдак мисоли майда-майда юлдузчалар қуршовида кўкда кезиб юрибди. Шўх шабада «Шакарпалак»лар, «Кўкча»ю, «Гурс кетди»ларнинг маст қилгудай ҳушбўй ҳидини гуп-гуп думоғингизга уради.

Сутдек оппоқ тонг отяпти. Қушнигу наво билан нозик япроқларини ёйиб, майин елда рақсга тушаётган ёш ниҳолларнинг ҳушхол шивирлаши ила уйғонди бу фусункор тонг!

Боғнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан, сўкчакда ётибман. Тоғам аллақачон туриб, боғ ичидаги полизни оралаб юрибди. Уйғонганимни пайқади шекилли, капага яқинроқ келиб:

— «Нону ангур» қиламизми, жиян? — деб сўради. — Ё ширинак ўйнаймизми?

— Ихтиёрингиз, тоға...

Тоға-жиян нонуштага ўтирдик. Шу пайт қулоғимга қаёқдандир биз томон яқинлашиб келаётган мотоциклнинг тариллаган овози чалинди. Тоғам, қўлини соябон қилиб, уфққа назар ташлади-да:

— Азамат бўлса керак, — деди. — Тагин нима юмуш чиқиб қолдийкин? Отпускада эди-ку.

Мотоцикл капага яқин жойда тўхтади. Қадди-басти келишган, дид билан кийинган йигирма беш ёшлар чамасидаги йигит «Ҳорманглар, хирмонга барака!» — дея олдимизга келди-да, тоғам билан қуюқ салом-алик қилгач, қадоқ қўлларини менга узатди.

— Ганишиб олинглар, — деди тоғам меҳр тўла кўзларини иккаламизга тикиб. — Бу ўша, шаҳардаги жиян, сенга кўп таъриф лагаиман, Азаматжон. Меҳмон бўб кепти.

— Зап яхши-да. Хуш кўрдик. Яхши келдингизми? Шаҳарлар қалай? Ўзгариш каттадир-а? Азаматжон мени саволга кўмиб ташлади.

— Шаҳар жойида, бирон томонга силжигани йўқ, — дедим ҳазиломуз. Кулишдик. — Қани, марҳамат.

Учовлон нонуштага ўтирдик. Бу йилги ёзнинг беқиёс сахий келганидан тортиб, сув камчил бўлгани борми, бозордаги нарх-наволаргача қўймай ўртага ташлаб, гурунглашиб ўтирдик. Хушмуомала, одамшаванда кишилардан экан Азаматжон. «Ўқимишли, жамики нарсага қизиқувчан йигит чамамда», деган хулосага келдим.

Азаматжон тоғамга қандайдир бир янгиликни айтмоқчи-ю, мендан истиҳола қиляпти чоғи, иккиланиб асл мақсадга қўчолмаяпти. Ўтдек чақнаб турган қуралай кўзлари мудом жовдирайди, баъзан дафъатан ҳардамхаёлликка асир бўлиб қолишидан унинг дилида қандайдир ҳаяжон, ташвиш бор эканлиги сезилиб турарди. Буни тоғам ҳам дарҳол англаган экан.

— Тинчликми, Азаматжон? — деб сўради ундан. — Бир нима демоқчисан-у, юрагинг бетламаяпти дейман. Гапиравер, жияндан яшириладиган сир йўқ.

Азаматнинг дилидаги гаплари тилига чиқди.

— Вақт-соати шу бугун экан, — деди у. — Атайлаб сизни айтгани келувдим. Ўзингиз бош-қош бўлсангиз дегандим. Акамизни ҳам олиб боринг. «Азаматникига қовун сайлига» деб от чопарни юбордим қўшни қишлоқларга.

— Хайрият! — деди тоғам. — Ширин орзулар рўёбга чиқибдида. Балли, балли, ўғлим. Албатта борамиз.

Азамат «кўришгунча» деди-ю, мотоциклни миниб, жўнаб кетди. Қандай ажойиб йигитларимиз бор-а, деб мотоцикл кўздан ғойиб бўлгунга қадар унинг кетидан нигоҳ узолмай қараб қолдим. «Вақти-соати шу бугун экан», деди. Демак, уйланса керак. Нега энди қовун сайлига деб жарчи қўяди?

— Уйланяптими, тоға?

— Ҳа, бир бошини икки қилмоқчи, қўша қариғур. Қара-я, жиян, вақт ҳам дарё сувидек, оқиб ўтиб кетавераркан. Яқингинада она сути оғзидан кетмаган бола эди. Бўтақоралик Карим мироб деганнинг ўғли бўлади. Карим урушдан қайтмади. Она кўкси ҳам насиб бўлмади Азаматга. Жон бор ерда қазо бордa, жиян. Уруш йиллари давосиз касалга йўлиқиб, қазоси етди, она бояқишнинг. Азамат бошқаларнинг қўлида қолди. Усди-улғайди. Тошкентдан боғбонлик касбини ўрганиб қайтди. Ану, ғарқ пишиб, таппа-таппа тўкилаётган анжир шафтолининг янги навини Азамат топган. Шу боғларни тиклаб олгунча озмунча тер тўккани йўқ, бола пақир.

Қара-я, ўша, кечагина она сути оғзидан кетмаган бола бугун тоғни урса талқон қиладиган паҳлавоннинг ўзгинаси. Бугун тўй қиляпти, қўша қариғур. Сал бўлмаса бахт қушини қўлидан чиқариворай деди-я!

Рашк деган балога ҳам, ҳозирги замоннинг гугурт чаққан заҳоти ловуллаб ёниб кетаверадиган сомон табиат ёшларига ҳам ҳайронман. Сабр-тоқат қил, етти ўлчаб бир кес, деган ҳикматлар бор. Азамат бўлса бургага аччиқ қилиб, кўрпадан айрилиб қолишига оз қолди. Буёғини эшит, жиян.

Азамат шу боққа агроном бўлиб тайинланганидан сўнг иш билан шаҳарга қатнайдиган бўлиб қолди. Ойнга бир икки марта тушиб чиқарди шаҳарга. Шаҳар ёқиб қолдими, бошқа илинж борми, ҳар қалай, шанба келди дегунча типирчилаб, ишни нари-бери амаллаб, йўлга равона бўлади.

Тўсатдан Азаматнинг феъл-атвори ўзгарди. Шанба келиб ўтиб кетдиямки, шаҳарга боришни хаёлига келтирмайди. Икки ҳафта ўтди. Ҳамон ҳомуш, бир нарсани йўқотган кишидай қилар ишини билмай гангиб юради. Ўзини четга тортади. «Шошма, — дедим ўзимча, — бир кўнглингни овлаб, сир-синоатингни билиб олай-чи. Шоядки, ғам-дардингни енгил қила олсам». Азаматни рўпарамга ўтқазиб олиб, бўлган воқеани бир бошдан сўрадим. Ахир, ота-боладай бир-биримизга суяниб қолганмиз-да.

Шаҳарга қатнаб юрган кезларида муаллимликка ўқиётган Адолат исмли бир қизни яхши кўриб қолибди. Учрашиб туришаркан. Қиз ҳам етимлардами дейман, бир ўйда ўзи якка тураркан. Ёшлар бир-бирига кўнгил қўйишиб, ёстиқдош бўлишга аҳду паймон қилишибди.

Кунлардан бирида Азамат қизникига борса, у ўйда йўқ эмиш. Келиб қолар, деб ича кутибди. Бир маҳал деворга осиғлиқ суратга кўзи тушиб қолса бўладими? Қиз денгизчи кийими кийган йигитнинг пинжига кириб олиб ўтирганмиш-да. Суратни зарда аралаш девордан юлиб олибди-да, бу ёққа келаверибди.

— Қани, менга бер-чи, ўша суратни, — дедим. Берди. Ўйга ботдим. Наҳотки, энди куртак ура бошлаган икки ёш ниҳолнинг ширин орзулари дабдурустдан хазон бўлиб кетаверса! Балки бу йигит қизнинг қариндошидир, эҳтимол мактабдош ўртоғи бўлиб чиқар. Ким билсин.

Ўзим тушдим шаҳарга. Сўраб-сўраб, қизнинг маҳалласига бордим. Адолат эндигина ўқишдан келиб турган экан. Авваламбор гапимиз қовушмади. Қаердан, нима мақсад билан ташриф буюрганимни англаб, ўзида йўқ суюниб, гулгун очилиб кетди. Ўтқизгани жой тополмайди. Азаматнинг дарагини эшитиб, «эсон-омон юриптиларми?» — деди-ю, чуқур хўрсиниб, бошини ҳам қилди. Қизнинг хомуш бўлиб қолганини кўриб, эзилиб турган кўнглини яна эзгим келмади, нимадан гап бошлашни билмасдим:

— Ота-оналарингиз бошқа жойда туришадими? — дедим суҳбат жиловини бурмоқчи бўлиб.

Қиз оҳиста бошини кўтарди, кўзида ғилқиллаб ёш айланарди:

— Улар... вафот қилишган.

— Вафот қилишган? — қиз қалбини ҳаяжонга солиб қўйганим учун ўнғайсиз аҳволга тушиб қолдим.

— Уларни бирдан-бир ёдгорлик — бирга тушган расмлари қолган эди, тунов куни янгилатиб деворга осиб қўювдим, кимдир юлиб олибдими, йўқ, қарамаган жойим, сўрамаган кишим қолмади...

Қиз хўрсиниб, деворга қаради. Калаванинг учи топилди. Ўзим ўйлаганимдек, Азамат бекорга ловуллаб ёнган экан, рашк ёмон нарса-да, жиян! Бир ҳаёлим расмни чўнтагимдан чиқариб берақолай, қизни бир хурсанд қилай дедиму, бу фикримдан қайтдим.

— Қизим. сиз айтган расмни мен Азаматнинг қўлида кўрувдим, — дедим.

— Ростданми? — қиз севиниб ўрнидан туриб кетди.

— Рост, катта қилдираман деб юрувди...

Шундоқ қилиб, жиян, икковларининг ажраб кетишларига бир баҳя қолувди. Борганим яхши бўлган экан, мана тўй ҳам юришиб кетди...

...Кечга яқин тоғам билан Азаматжоннинг тўйига жўнадик.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

ҲОДИСА

ҚОПЛОН БИЛАН ОЛИШУВ

СССРнинг жанубий чегараси, 7. («Правда» мухбири). Ефрейтор Владимир Силин наряддан қайтиб келаётиб, тоғдаги торгина жарлинда 4 та қоплон билан юзма-юз тўғри келиб қолди. Қуролни битталаб отишдан автоматин равишда отадиган ҳолатга кўчириш учун чегарачининг ҳатто вақти ҳам йўқ эди. Силин биринчи ўқ биланоқ сакраш учун белини энди букаётган олдиндаги қоплонни отди. Чегарачи иккинчи ўқ билан яна бир йиртқични ярадор қилди. Қоплонлар орқасига тисарилиб, қўшни тепалик орқасига ўтиб кетдилар. Чўққи тепасида бир неча метргина узоқда худди мушуклар сингари писиб келаётган қоплан кўринди. Ўқ узилди, иккинчи қоплон ҳам Владимирнинг шундай ёнгинасида жон берди.

Р. ЭСЕНОВ.
(«ПРАВДА»ДАН).

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

БИЗ СИЗЛАРГА ҲАМДАММИЗ

Тошкент қурилишида қатнашиш учун келган харьковликлар билан луганскликлар чодирлардан иборат шаҳарча марказида ўрнатилган эстрада ёнига тўпланишди. Кени кеча бу ерда шўх қўшиқлар янграб турган эди. Бугун эса монтажчилар, ғишт терувчилар ва бўёқчиларнинг чеҳралари ғаззоб. уларнинг нутқлари нафрат билан тўла. Вьетнамдаги сўнгги воқеалар бирлашган митингнинг кун тартибига қўйилган.

— Биз тинч касб соҳибларимиз, — дейди Луганск қурилиш-монтаж поезди комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Леонид Нагорянский. — Америка ваҳшийлари Вьетнамнинг шаҳар ва қишлоқларига миллион-миллион тонналаб ажал келтирувчи металл ёғдираётганлиги, халқнинг бошига қулоқ эшитмаган кулфатлар солаётганлигини эшитиб қалбимиз тугён кўтарди.

Харьковлик бетончи Людмила Филимонова ҳам Америка империалистларининг босқинчилик сиёсатини қоралади.

Бирлашган митинг қатнашчилари Америка авиациясининг Ханой ва Хайфон атрофларига ҳужум қилганлиги муносабати билан Совет ҳукумати чиқарган баёнотни қизғин маъқулладилар. Улар АҚШнинг Москвадаги элчихонасига йўлланган телеграммада Вьетнамдаги ҳарбий интервенция дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

БАНДИТЛАРЧА ҲУЖУМ ТЎХТАТИЛСИН!

ЯНГИЙЎЛ, 6 июль. (ЎзТАГ) Янгийўл районининг пахтакорлари Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхоз маданият саройида ўтказилган митингга бир мингга яқин пахтакор тўпланди. Колхоз раисининг ўринбосари Бурҳон Султонов биринчи бўлиб сўз олди.

— Ханой ва Хайфон атрофидаги ерларни бомбардимон қилган Америка империалистларининг янги қонли ёвузликлари тўғрисидаги хабар, — деди у,— бутун дунёни ғазаблантирди. Ер юзидаги миллионларча соф виждонли кишилар тинчликсевар Вьетнам халқи томонида эканлигини Америка империалистлари билиб қўйсинлар. Биз АҚШнинг ҳарбий интервенцияси дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қиламиз. Биз Совет ҳукуматининг мамлакатимиз Вьетнам халқининг озодлик ва миллий мустақиллик йўлидаги курашига бундан буён ҳам ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги тўғрисидаги баёнотини чин кўнглимиздан табриклаймиз.

Митингда колхоз хотин-қизлар советнининг раиси Дилором Одилова ва бошқа пахтакорлар Америка агрессорларининг жиноий ёвузликларини қоралаб гапирдилар.

«АМЕРИКАЛИКЛАР, ВЬЕТНАМДАН ТУЁҚЛАРИНГНИ ШИҚИЛЛАТИБ ҚОЛ!»

Тошкент пластмасса буюмлари заводи механикаларининг курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик митинги минбаридан: «Америка агрессорлари жавобгарликка тортилсин!», «Вьетнамдан қўлингни торт!» деган талаблар янграганида юзлаб ишчи ва хизматчилар давомли қарсаклар билан шу таклифга қўшилдилар.

— Америка ҳарбийларининг ёвузликлари ҳар биримизни гоят даргазаб қилмоқда,— деди ўз нутқида слесарь А. Ҳакимов.— АҚШ ҳукумати ўзининг бемаъни сиёсати билан бутун ер юзидаги миллион-миллион кишилар хавфсизлигини таҳлика остида қолдиряпти. Хатарли игвогарликларга чек қўйилсин, ҳаддидан ошган Америка ҳарбийлари Вьетнамдан ва бутун Ҳинди-Хитойдан ҳайдаб чиқарилсин.

Митинг қатнашчилари АҚШнинг Вьетнамдаги янги агрессия ҳаракатлари муносабати билан Совет ҳукуматининг баёнотини маъқуллаб, ...

АЙБЛАЙМИЗ

Вьетнам албатта озод бўлишига ишонамиз! Америка агрессияси албатта барбод этилади! «Ташкенткабель» заводининг ишчи ва хизматчилари АҚШнинг Вьетнамдаги вахшиёна ҳаракатларига карши норозилик билдириш юзасидан ўтказилган кўп кишилик митингда ана шу гапларни айтдилар.

Кекса ишчи А. Толипов қаҳргазаб билан гапирди.

— Жаҳон халқлари,—дейди у, — Америка империалистларининг ваҳшийликларини ҳеч қачон кечирмайдилар. Улар гуноҳсиз кишиларнинг қонини тўкмоқдалар. Бу қон қасос олишга чорлайди.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, завод диспетчери И. П. Дуранин ҳам ҳаяжон билан сўзлади. (ЎзТАГ).

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Республикамизнинг 16 шаҳрида икки ҳафта давом этган XIII умумўзбек ва XIX республика мактаб ўқувчиларининг спартакиадалари тамом бўлди. Бу йилги спартакиадага Ўзбекистоннинг ҳамма областларидан, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳридан кўплаб спортчилар қатнашди. Спартакиадаларнинг фақат финал қисмида спортнинг 22 тури бўйича 5 минг спортчи ўз областлари шарафини ҳимоя қилдилар. Икки ҳафта давом этган мусобақалар чинакам спорт байрамига айланиб кетди.

Мана, спартакиада мусобақалари ўз поёнига етди. Спортнинг барча турлари бўйича ўтказилган беллашишларга якун ясалди. Биринчи группа бўйича Тошкент шаҳар спортчилари энг кўп очко тўплаб, голиб чиқдилар. Иккинчи группада эса Сурхондарё область вакиллари биринчиликни қўлга киритдилар.

Кеча пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионида XIII умумўзбек ва XIX республика мактаб ўқувчилари спартакиадаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Спартакиаданинг ёпилиш маросимида ҳамма областларнинг спорт делегациялари, область халқ маорифи бўлимининг мудирлари, спартакиада рекордини ўрнатган ва республика чемпиони номини олишга сазовор бўлган спортчилар қатнашдилар.

Тантаналарнинг охирида юқори кўрсаткичга эришган командалар ва спортчилар фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Спартакиада байроқлари тантанали равишда туширилди.

П. ГАДОЕВ.





ДЎСТЛИК ШАҲРИ ҚУРИЛИШИДА

СЕРГИЛИ посёлкаси яқинида Дўстлик шаҳрига дастлабки пойдевор ўрнатилганига ҳали икки ой ҳам бўлгани йўқ. Лекин ҳозироқ бу ер шинам шаҳар тусини олган. Қаерга боқманг, бир ва икки қаватли биноларни кўрасиз. Уларни мамлакатимиздаги 5 та ҳарбий округнинг қурувчилари барпо этишяпти. Юқоридаги суратда винницалик бинокор Николай Иванович Пашко ва у бошчилик қилаётган бригада азаматларини кўриб турибсиз. Улар шу ойнинг охиригача 8 квартирали икки қаватли уйлардан иккитасини қўлдан чиқаришмоқчи. Чапдаги ва ўнгдаги суратларда янгма уйлар қандай тикланаётганини кўриб турибсиз.



И. Глауберзон фотолари.

Футбол РАҚИБЛАР

Тўртинчи группа: КХДР, Чили, Италия, СССР

«Роял Гарден» меҳмонхонасига ўрнатилган таблога IV рақами ёзилиб, остида КХДР, СССР, Чили, Италия мамлакатларининг номи пайдо бўлганда, кўпчилик совет спорт ишқибозлари, хатто баъзи мутахассислар ҳам очиқдан-очиқ суюнган эдилар. Ўшанда уларга Совет Иттифоқи терма командаси бу гал қулай группага тушиб қолгандек туюлган эди. Лекин бу хурсандлик узоққа бормади. Ҳамма нарса ҳисобга олиниб, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилгандан сўнг, Лондон турнирида кучсиз группалар мутлақо йўқ эканлиги маълум бўлди. 16 даъвогарнинг ҳаммаси ҳам Нике олтин маъбудасига лойиқ командалардир. Бу командалар орасидаги кураш жуда кескин бўлади, тактика ва техника жиҳатдан устун бўлган ҳамда жисмоний ва руҳий жиҳатдан яхши тайёрланган командагина бу курашда голиб чиқиши мумкин. Бахт қайси командага кулиб боқишини биз фақат 30 июлда биламиз.

«Ўн битта номаълум ўйинчи». ФИФА президенти сэр Стенли Роуз Корея командаси ҳақида хазиллашиб шундай деган эди. Бу ҳазил жуда кўп спорт газеталари саҳифаларига тушиб, уларда Корея Халқ Демократик Республикаси терма командаси қўлидан кутилмаган «совга»лар келиши ҳам мумкинлиги баён этилди. Айниқса, Австрия командасининг тренери Жим Байотти ёниб турган ўтга керосин қуйиб юборди. Маълумки, унинг командаси саралов турнирида кореяликларга 6:1, 3:1 ҳисоби билан утказган эди.

— Мен Италия, Чили ва СССР терма командаларини огоҳлантириб қўймоқчиман, — дейди Байотти, — КХДР командасидан улар умрларида кўрмаган «совга»ни олиб қолишлари мумкин. КХДР футболчилари жуда тезкор, чидамли, ҳар қандай вазиятда туриб ҳам тўп ура оладилар. Айниқса, икки қанот ҳужумчиси — Хан Бон Дин ва Ким Сеунг жуда хавфли ўйинчилардир.

Бу огоҳлантиришда жон бор. Гарчи совет футболчилари кореялик спортчиларни кўпинча енгган бўлсалар ҳам, лекин маглубиятга учраган пайтлари ҳам бўлган. 1960 йили «Крылья Советов» (Куйбишев) командаси КХДРда уч марта ўйнаб, уч марта ҳам маглубиятга учраган. Айниқса, учрашувнинг бирида ҳисоб 3:8 бўлганлиги юқоридаги фикрни тўла исботлайди. 1961 йили эса Москванинг «Спартак» командаси Пхеньян терма командасига 1:2 ҳисоби билан утказиб қўйди. Ўшандан бери орадан анча вақт ўтди, сўзсиз бу давр ичида Кореяда футбол янада равнақ топди. Бунга КХДР терма командасининг кейинги 4 йил ичида бирон марта утказмаганлиги ҳам яққол мисол бўла олади. Бу давр ичида бўлган учрашувларда у олти марта ютди ва икки марта дуранг қилишга эришди.

КХДР терма командасининг раҳбарлари ва футболчилари анча вақт давомида ўз ўйин услублари ҳақида «сир» сақлаб келдилар. Лекин яқинда Лондондан қуйидаги хабар келди: КХДР футбол союзининг вице-президенти Ким Дюк Англияга борган вақтида мана бундай деди:

— Бизнинг командамиз чемпионатда қатнашаётган командалар ичида энг ёши. Ўйинчиларнинг ўртача ёши — 25, бундан ташқари бўй жиҳатдан ҳам биз ўнчалик устун эмасмиз. Энг баланд ўйинчимизнинг бўйи 172 сантиметр. Лондондаги учрашувларга биз қунт билан тайёрландик. 4+2+4, 3+2+5, 4+4+2 системаларини ўзлаштирдик, лекин мусобақа пайтида улариниг қайси бирини қўллашимиз ҳозирча номаълум. Ҳар ҳолда ҳар бир рақибга ўзига хос услуб билан қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиламиз, лекин бунда биз ҳимоя усулига ёпишиб олмаймиз, албатта.

Совет терма командаси ўзининг иккинчи учрашувини «Скуадрой адзурра», яъни итальянлар тили билан айтганда, «кўклар» командаси билан ўтказади. Италия терма командаси ўзининг ажойиб тарихига эга. У жаҳон чемпионатида беш марта иштирок этган. Икки марта — 1934 ва 1938 йилларда олтин маъбудани олишга муваффақ бўлган, лекин кейинги мусобақаларда эса чорак финалга ҳам чиқа олмаган.

Ортиқча гапнинг ҳожати йўқ! Италия терма командаси энг кучли рақибларимиздан бири бўлиб, уни енгиш фақат гоят юқори маҳоратли команданинггина қўлидан келади. Кўпгина мутахассисларнинг италияликлар мукофотли ўринлардан бирини эгаллайдилар, деяётганлари ҳам бежиз эмас, албатта. Италия терма командасининг бош тренери тажрибали Эдмонда Фабрининг ҳам ниятн катта. У ҳатто Италиянинг энг зўр дарвозабони Негри шикастланиб, унинг ўрнига «Ювентус» ўйинчиси Ан Антоолун келганда ҳам хафа бўлмади.

— Биз ўз группамизда биринчи ўринни оламиз, — деб таъкидлайди Фабри. — иккинчи ўринни эса совет футболчилари эгаллайди. Тўртинчи группадаги энг марказий ўйин СССР—Италия учрашуви бўлиб, унда биз ғалабага эришишга ҳаракат қиламиз.

Бундай дейишга Италия командаси тренерининг тўла асоси борми? Бунга ҳам «ҳа», ҳам «йўқ» деб жавоб бериш керак. Ҳозирги Италия терма командаси муҳим рақиблардан бири бўлиб, айниқса унинг ҳимоя чизиғи жуда кучли ўйинчилардан ташкил топган. Марказий ҳимояда дунёга машҳур Факетти ўйнайди, уни маҳоратли Бургнич, Гуарнери, Росатолар қўллаб турадилар. Фабри 4 ҳимоячи системасининг тарафдори бўлса-да, бешинчи ўйинчини ҳам ҳимояга ташламоқчи, бу ўйинчи ўртоқлари йўл кўйган хатоларни тузатиб юриши керак. Гарчи ҳужумда Ривера, Паскутти, Маццола, Корсо сингари машҳур футболчилар ўйнасалар ҳам, Италия терма командасининг ҳужумчилари дастлабки синов матчларида ўнчалик ўзларини кўрсатолмадилар.

Франция ва Австрия терма командалари билан бўлган учрашувда улар бironта ҳам тўп уролмадилар. Лекин лозим бўлган пайтда уларнинг жуда кескин ўйнай олишларини ҳам унутмаслик керак.

Совет терма командасининг учинчи рақиби — Чили командасидир. Бу терма команда 1962 йилги жаҳон чемпионатида СССР командасини ютиб, мусобақадан чиқариб юборган эди. У ўша чемпионатда бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

Лондон чемпионатига Чили командасини машҳур Риверанинг ўрнини олган икки тренер Луиса-Ламос ва Видаль тайёрлади. Бу ўзгариш қанчалик фойда келтиргани ҳозир айтиш қийин. Ҳар қалай Чили футбол ишқибозлари ҳозирча ўз терма командаларидан ўнчалик ҳурсанд эмаслар. Синов ўйинларидаги энг юқори натижа ҳозирча Бразилия билан бўлган дуранг (1:1) бўлди.

Ҳозирги терма команда составида 1962 йили Чилининг шуҳратини кўтарган тажрибали ўйинчилар ҳам анчагина. Улар орасида Арика шаҳридаги учрашувда бизнинг дарвозабонимиз Яшинга тўп урган Рохас ва Санчеслар ҳам бор. Айниқса, Леонель Санчес ҳақида гапириб ўтишга тўғри келади. Уни Америка қитъасидаги энг кучли чап қанот ҳужумчи деб ҳисоблайдилар. Еши 30 га борган бўлса ҳам, лекин у ҳамон команданинг юрагидир. Кутилмаганда тез-корлиги ва тўпни қаттиқ тепиши дунёдаги кўпгина дарвозабонларни шошириб қўйган. Шунингдек, ҳимоячилардан Эйсагуире, Фигероа, Доносо, ҳужумчилардан Кампос, Рамирес ва Тобарлар ҳам энг маҳоратли ўйинчилардир.

Чили матбуоти совет терма командасига юқори баҳо берапти, лекин шу билан бирга Чили командаси билан бўладиган учрашувда ўз футболчиларининг голиб чиқишига катта умид боғлаяпти. Футбол обзорчилари бу ўринда ҳадеб шу йилнинг бошида СССР командасининг Сант-Ягода маҳаллий «Коло-Коло» клубига 1:3 ҳисоби билан ютказиб қўйганини рўкач қилмоқдалар. Тренер Аламас ҳам ошкора «таҳдид»дан қайтмади. У Европага келганда, шундай деди:

— Менимча, биз аъло даражада шайланганмиз. Фақат қолган майда-чуйдаларни тўғриласак бас. Лекин бу майда-чуйдалар шунчалик арзимайдиган нарсаларки, уларсиз ҳам муваффақиятга эришиш мумкин. Агар биз 1/4 финалга киролмасак, буни ўзимиз учун катта дог деб ҳисоблайман.

Группадаги тўртинчи қатнашчини—СССР терма командасини таъриф лаб ўтирмаса ҳам бўлади. Унинг состави ҳозир ҳаммага маълум. Яхшиси, биз бўлажак жангларнинг иштирокчиларига сўз берайлик. Улар Швецияга кетиш олдидан ўз командаларининг тайёргарлиги ва рақибларининг кучи қай даражада эканлиги ҳақида қуйидагиларни айтдилар:

Николай Морозов, команданинг бош тренери. — Тайёргарлик тўла ва муваффақиятли ўтди. Команда аъзолари ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Биринчи ниятимиз — чорак финалга чиқиш, буни биз уддалай оламиз. Группамиздаги ҳамма қатнашчиларнинг кучи тахминан бир хил.

Лев Яшин — Биз чемпионатга жиддий тайёрландик. Бу ўз натижасини берса керак, албатта. Жаҳон чемпионатида менинг-ча, кучсиз команда йўқ.

Альберт Шестернев —Тайёргарлигимизга мен 4 + қўйман, ҳимоячиларга эса 4 —. Бизнинг группадаги энг кучли команда, менингча, италияликлар бўлса керак.

Галимзян Ҳусаинов — Умуман олганда, тайёргарлигимиз яхши бўлди. Лекин умид қилгандан ҳам кўра юксакроқ натижага эришишга ҳаракат қиламиз. Ҳамма командаларнинг ҳам ўзига яраша кучли ва кучсиз томонлари бор, уларни аниқ айтиб бериш қийин.

Эдуард Маркаров — Бу саволга жавоб беришга қийналяпман, чунки терма командага мени яқиндагина қабул қилишди. Ортиқча ҳаяжонланишни энг даҳшатли рақиб деб ҳисоблайман. Агар матчнинг дастлабки дақиқаларида ҳаяжонга тушиб қолинмаса, ҳамма иш жойида бўлади.

Кўриб турибсизки, футболчиларимизнинг кайфияти яхши. Биз уларга чемпионатнинг охиригача шундай жанговар рухда бўлишларини тилаймиз.

Георгий КОНОВАЛЮК,

АПН спорт обзорчиси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Шўрли мамлакатларда

АНГОЛАДА ЯНГИ КУРАШ ФРОНТИ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Анголани озод қилиш халқ ҳаракати партизан отрядлари шу йил май ойидан буён Анголанинг жанубида жанг ҳаракатларини муваффақиятли суратда кучайтирмоқдалар. Ангола ватанпарварлари, жумладан, Замбези дарёси атрофида Португалия мустамлакачи армиясининг бир рота солдатларини пистирмага тушириб қўйдилар. Ғафлатда қолган қотиллар жанг майдонида 75 солдатнинг ўлигини қолдириб кетдилар.

ВДР УСТИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка авиацияси 6 июлда Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида яна тўрт самолётидан ажралди.

Шундай қилиб, Америкаларнинг Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган самолётларининг умумий сони 1.163 га етди.

ЯНГИ ПЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

КАМПАЛА. (ТАСС). Уганда қишлоқ хўжалик ва кооперативлар министрлиги мамлакатнинг шарқий ва шимолий районларида шоли етиштириш планини амалга оширишга киришди. Бу пландан кузатилган мақсад мамлакатнинг ана шу қимматли озиқ-овқат экинига бўлган эҳтиёжларини таъминлашдир. Мамлакатнинг ўзида етиштирилган шоли шу вақтгача эҳтиёжни қоплаолмай келди. Шу сабабли, Уганда ҳукумати чет элларидан гуруч олиб келган эди.

Шоли етиштиришни кўпайтириш плани ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигида монокультура системасини тугатиш ва кўп тармоқли системага ўтиш программаси доирасида амалга оширилади.

ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДЕКРЕТИ

ГАВАНА, 7 июль. (ТАСС). Доминикана Республикасининг президенти Хоакин Балагер давлат хизматчиларининг маошини камайтириш тўғрисида декрет чиқариб, мамлакатдаги барча хусусий корхоналар ишчиларининг иш ҳақини чеклаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини миллий конгрессга ҳавола қилди. Пренса Латина агентлигининг мухбири Санто-Домингодан ана шуни хабар қилди.

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ»ДАГИ ЖАЛЛОДЛАР

Танзания Олий суди июль ойининг охири — август ойининг бошида Мванза шаҳрида Америка «тинчлик корпуси»нинг ходими Билли Хейвуд Киксейнинг ишини кўради. У ўз хотинини ўлдирганликда айбланмоқда. Бу Шарқий Африкада АҚШ «тинчлик корпуси» сабабчи бўлаётган оммавий жанжалнинг кейинги ойлар ичида учинчи марта такрорланишидир.

Ҳаммаси ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган воқеадан бошланди. Ўша пайтда ўзини ўзи ўлдиришдан олдин Жейме Бойднинг саргузаштлари тўғрисидаги «Яшайвер-у, ўлим ҳам керак» деган китобчанинг муқовасига хат ёзиб қолдирган 20 яшар Жон Парротнинг сасий бошлаган жасади заповедникдан топилган эди. Сўнг, 17 майда Танзания президенти Жулиус Ньерере матбуотда ва радиода ҳукуматга қарши характердаги «мишмишларни тарқатувчи» ўн етти кишига қарши уч кунлик кампания эълон қилган эди. Ўша одамлар орасида «тинчлик корпуси»нинг ходими Жадист Азаведонинг номи ҳам тилга олинади.

Ҳозир газеталарнинг саргузаштларида ҳам Бутимба турмасида суд қилинишини кутиб ўтирган Кинсей тўғрисида ҳикоя қилинмоқда. Бу ёшгина киши Танзанияга ўтган йилнинг бошида хотини билан бирга келган. Уни Мванзадан жанубий-шарқда ўтиб бўлмайдиган чакалакзорлар орасида жойлашган кичкина Масву деган қишлоқни ўқитувчи қилиб юборишган эди.

Март ойида Кинсей кутилмаганда қамоққа олинди ва унга ўзининг ёш хотинини ўлдирди, деб айб юкланди.

Танзанияда бировни қасддан ўлдирганлик учун осиб ўлдириш жазоси энг юқори жазо ҳисобланади. Танзаниядаги «тинчлик корпуси»нинг бир неча ходими ўз директори Поль Сакка бу ҳақда норозилик билдирдилар.

Жон ПЛАТТЕР.

(«За рубежом»дан).

ТОШКЕНТ СЕЙСМИК СТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

7 июль кечаси кундуз давомида фақат бир марта, соат 1-19 минутда ер 2 баллдан кам куч билан тебранди. 8 июлда эса сейсмограф аппаратлари ер тебранганини қайд қилмади.

ОБ-ХАВО

Бугун республикамизнинг барча районларида ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Тоғлик районларда момақалдироқ бўлиши кутилади. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Баъзи жойларда чангтўзон кўтарилиб, шамолнинг тезлиги 15 метргача етади. Ҳарорат 30-35 даража, жанубда 37 даража бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Шимоли-ғарб томондан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат 32-34 даража бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Союзпроводмеханизация» трестининг 4-бошқармасига

«Ўрта Осиё—Центр», «Мубарак-Олмаота» газ қувури қурилишида ва Тошкент шаҳрида ишлаш учун:

экскаватор машинистлари ва машинист ёрдамчилари, бульдозерчилар, ер қазувчилар (ишбайга)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-115, Муқимий кўчаси, 98-уй.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодлик — саломатлик гарови. 8.25 — Қўшиқлар. 9.35 — Симфоник увертюралар. 9.45 — «Марра — эллик центнер» (тож). 10.30 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар. 11.10— Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги олдидан. 11.25 — Музикали танаффус. 12.15 — Спорт эшиттириши (рус). 12.30 — Музикали салом. 13.30 — Фортепьяно куйлари. 16.15—Концерт. 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — Романслар. 18.30 — Қўшиқлар. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 — Эстрада-рақс куйлари. 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.10 — Эстрада концерти. 23.10 — Лирика кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Виставка. га ким боради** (болалар учун).

17.25 — **Пионерия** (киножурнал).

17.35 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 18.00 — **Қўшиқчилар кинода.**

Ўзбек тилида: 19.00 — А. Қаҳҳор. **Сўнгги нусхалар** (Ҳамза номли театр спектакли).

21.35 дан — **Москва кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37263. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 153. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08579. [V]1